

УМАР ХАИЁМ

НАВРЎЗНОМА

ТОШКЕНТ «МЕҲНАТ» 1990

L63.5
X-18

O


Таҳрир ҳайъати: Бўрибой Аҳмедов, Эркин Бойсинов, Жалолиддин Каримов, Махкам Маҳмудов, Алибек Рустамов (масъул муҳаррир), Асрор Самад, Мансур Тенглашев.

Таржимон — Үрғон ОТАЖНОВ.

Умар Хайёмни рубоийнавис шоир сифатида бутун дунё билади. Аммо у буюк астроном, математик, тарихчи-этнограф сифатида ҳам жаҳон маданияти тарихида муносаб ўрин ғаглайди. Бугун китобхон тарихчи-этнограф Умар Хайём билан учрашиб турибди: Унинг «Наврӯзнома»¹ асари узоқ таълихимиздан, Наврӯз байрамининг келиб чиқшидан, шунга боғлиқ аждодларимизнинг урф-одатларидан ҳикоя қиласди.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ҳурматли китобхон! Ушбу рисола ҳақидаги Фикр ва мулоҳазаларингизни «Нур» ижодий бирлашмасига юборишинингизни илтимос қиласмиш. Адрес: 700027. Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 6-й, Телефон: 45—76—11.



- © Издательство Восточной литературы, 1961.
- © Ушбу рисола «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг буқртмаси асосида нашр этилди (тарж.), 1990.



УМАР ХАЙЁМ НАВРЎЗНИ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Ғиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим —
Хаёмий Нишопурий 1048—1132 йилларда яшаб,
ўзидан кейинги авлодларга жуда бой шеърий ва
илмий мерос қолдириб кетган буюк мутафаккир-
дир. Буюкларнинг буюклиги шундаки, уларнинг
номлари ва келажак авлод учун қолдирган мерос-
лари сарҳад билмайди: бутун инсониятнинг жа-
воқир мулкига айланади. Бинобарин, Умар Хай-
ёмнинг ватани Каспий денгизининг шарқи ва
жануби-шарқий қирғоқлари билан туташ, ши-
молдан Ашхобод ва Марв (Мари)га, шарқий то-
мондан Ҳирот ва Балхга чегарадош Ҳурросон ва
унинг битта қасабаси Нишопур бўлса-да, аммо
унинг номи бутун жаҳон халқларига маълум,
унинг ўтли рубоийлари барча тилда ўзига хос
оҳанг билан жаранглайди.

Ғиёсиддин — Умар Хайёмнинг увони, зеро у
яшаган ўрта асрларда ўз илми-ю буюк салоҳияти
билан танилган мутафаккирларга шундай фах-
рий увон (яъни, динга қувват) бериш расм эди.
Абулфатҳ Умар унинг ўз номи бўлиб, Иброҳим
отасининг исмидир. Нишопур (Найсабури) — мута-
факкирнинг туғилган ватани. Хайём деган та-
халлусга келсак, бу сўз арабчадан чодир тикив-
чи маъносини англатади. Ривоят қилишларича,
Умар Хайёмнинг ота боболари чодир тикиш иши
билан шуғулланган эканлар. Бунга мисол тари-
қасида қуйидаги рубоийни Умар Хайёмга нисбат
берадилар:

Беқисоб чодирлар тиккан ажойиб
Хайём ғам-андуҳга ботди мункайиб.

Умр риштасию, умид узилди,
Чайқовчи қўлида кетди соврилиб¹.

Яна ривоят қиласидиларки, шоирлик — рубоий-навислик Умар Хайёмнинг асл матлаби бўлмаган, балки у илмий тадқиқотлар азобидан қийналган чорда асарларининг ҳошияларига ҳозирда жаҳонга донг таратган рубоийларини битган. Ундоқ деса, Умар Хайёмнинг араб ва форс тилларида битган ажойиб қитъалари ва газалларини ниманинг ҳошиясиға ёзилган деб ҳисоблаймиз? Ҳарҳолда гап бунда әмас, бадииятнинг не-не жавоҳирлари оғиздан оғизга ўтиб бизнинг кунларимизгача етиб келганлигини биламиз. Зоро, бадиият ва илмият асарларига улар қай ҳолатда яратилганига қараб әмас, қай иқтидор ва солоҳият билан яратилганига қараб баҳо берилади.

Чунончи, Умар Хайёмнинг ҳошиясиға рубоийлар битилган илмий асарлари ҳам жаҳоний нуфузга әга. «Алгебра ва муқобала исботлари ҳақида рисола»си математика тарихида буюк кашфиётдир: бу рисолада сонлардан бутун мусбат илдиз топишнинг қоидаси кашф этилган. Ёки иррационал сонлар ҳақида ҳозиргача қанча-қанча диссертациялар ёзилган экан! Аммо Умар Хайём Шарқда биринчи бўлиб иррационал сонлар назариясини яратиб қўйганлиги бугун бизга маълум бўлиб турибди.

Абул Ҳасан ал-Бойҳақий (1106—1174) ўзининг «Донолик хазинабонлари»га қўшимча» асарида ва яна Умар Хайём давридан қолган кўп манбаларда айтилишича, у китоб ёзиш ва дарс беришда ўта камсукум, кам ҳосил бўлган ва шу туфайли ҳам ўз билим доирасига нисбатан жуда кам китоб ёзган экан.

Аммо Умар Хайёмнинг турмуш тарзи мушоҳада қилиб кўрилса, унинг нима учун бу қадар кам китоб ёзганлиги маълум бўлади.

Фазлуллоҳ Рашидиддин (1247—1318) ўзининг «Йилномалар тўплами» асарида шундай бир ривоятни келтиради: мактабдош уч дўст — Ни-

¹ Бу рубоий ўзбек тилида йўқ, шунинг учун О. Румернинг русчага таржимасидан әркин равишда ўғирдик.

зом-ул-мулк, Ҳасан Саббоҳ ва Умар Хайём бир-бirlariiga бир умр садоқатли бўлишга, қай бирлари юксак мақомга эришса, бошқаларига ҳомийлик қилишга қасамёд қиладилар. Воқеан, Низом-ул-мулк мансаб пиллапояларидан кўтарилиб, салжуқийлар сулоласининг подшоҳи Маликшоҳга вазир бўлиб қолади. Ҳасан Саббоҳ ислом динидаги исмоилийлар мазҳабига асос солиб, йирик руҳоний бўлиб кетади. Умар Хайём илм йўлидан бориб, қашшоқликда кун кечиради. Умар Хайём Низом-ул-мулкка болаликдаги қасамни өслатганда: «Сенга Нишопур ҳокимлигини бердим», дейди. Халқ устидан ҳокимлик қўлимдан келмас,— дейди Умар Хайём.— Яхшиси буюр, менга бир йилда бир марта нафақа берсинлар, бир пиёла сариқ сув, бир бурда нон билан куним ўтар, илм чўққиларини әгалласам бас». Низом-ул-мулк Нишопурдан келадиган солиқлардан дўстига 10 минг динор нафақа тайинлабди.

Бу, албатта, ривоят. Чунки, тарих Умар Хайёнинг 1048 йилда, Низом-ул-мулкнинг 1017 йилда туғилганидан ва Умар Хайём Ҳасан Саббоҳ билан ҳеч қачон таниш бўлмаганлигидан далолат беради. Аммо ривоят Умар Хайёнинг камсуқумлигини, шон-шуҳрат, мансаб ишларига қизиқмаслигини кўрсатувчи бир ибратdir.

XV асрда яшаган Эрон фольклоршуноси Ер Аҳмад Табризий ўзининг «Тарабхона» асарида Умар Хайём ўсмирилик чоғларида Балхда яшаганлигини ва дастлаб Носир ал-Мулла ва-д-Дин шайх Муҳаммад Мансур қўлида таҳсил кўриб, 17 ёшида фалсафанинг барча соҳаларида камолотга эришганлигини ёзади. Биргина Табризий әмас, Умар Хайём замондошлари бўлган ва ундан кейин ўтган тарихчилар ҳам бир овоздан унинг ўткир ақлга, кучли ҳофизага эга бўлганлигини, аммо тили аччиқ, ҳозиржавоб киши эканлигини зикр этадилар. Ҳатто айтадиларки, у Исфахонда бир китобни етти марта ўқиб ёд олган ва Нишопурга келиб ўша китобни айтиб туриб ёздиргандан асл нусхадан жуда кам фарқ қилган экан.

Салжуқийлар сулоласидан Маликшоҳ ва унинг вазири Низом-ул-мулк салтанатга келгунга қадар

Умар Хайём жуда муҳтоҗликда кун кечирган. Бунинг устига халқлар ва әлатлараро қирғинбарат жангу жадаллар Умар Хайём ва у сингари олимларнинг ижодий иш билан шугулланишига халақит берар эди. Эҳтимол шу сабабли кўп рисола бита олмагандир.

Яна бир иштибоҳ бор: Умар Хайём ўз рубоийларида майни тарғиб қилган ва ўзи ҳам кўп май ичиш билан машғул бўлиб кам ижод қилгандир. Аммо тарихий далиллар бу иштибоҳни инкор әтадилар. Бинобарин, агар шу иштибоҳда озгина жон бўлса, Умар Хайём замондошлари қайсиdir саҳифасида шунга ишора қилган бўлмасмидилар?

Рубоийларига келсак, шуни айтиш керакки, май Шарқ классик адабиётида исёнкорлик, қувонч, ҳаёт рамзиdir. Руҳонийлар, мутаассиблар фоний дунё лаззатларидан кечиб, боқий дунё — йўқлик дунёси ҳаваслари билан яшашни тарғиб қилган бир даврда май ва ёр образлари ана шу таркидунёчилик гояларига қарши энг яхши тимсол эди.

Дерлар: жаннатда ҳур, кавсар бўлармиш.

Ариқ тўла май, сут, шаккар бўлармиш.

Қадаҳни тўлдириб қўлгинамга бер,

Минг насядан бир нақд ҳуштар бўлармиш.

Бу рубоий Алишер Навоийнинг

Воҳид, сенга ҳуру, менга жонона керак,

Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.

мисраларига мазмундошdir.

Май ва ёр образлари тараннум әтилган рубоийларда, газалларда, қасидаларда, мутаассиблар таъкидлаганидек, бадахлоқлик әмас, балки шу ёруғ оламнинг, инсон тириклигининг, демакки, инсоният реал ҳаёти мазмунининг гўзал ифодаси бор.

Май, гўзаллик, инсон — Умар Хайём ижодининг қон томиридир. Аммо мутаассиблар бошқа нарсани ҳам даъво қиласидилар; эмиш, Умар Хайём май ва мастилик орқали диний жазавани яъни зикру самони, боқий дунёга ишқни тарғиб қиласидан экан. Агар Умар Хайёмнинг ҳаёт йўлига, унинг

фалсафий қарашларига чуқурроқ кириб борилса, бунинг ҳақсиз даъво эканлиги маълум бўлади. Ло-ақал, унинг «Коинот ва унинг вазифалари рисоласи»ни, унга қўшимча равишда «Уч саволга жавоб»ларини олиб кўрайлик. Бу асарлар ва умуман бошқа асарларида ҳам Умар Хайём ўтмиш ва ўз замондошлари бўлган олимлар сингари Оллоҳнинг бирлиги ва пайғамбар унинг әлчиси эканлигини тан олган ҳолда асл ҳақиқатга асосланган ўз қарашларини баён этади. Яъни, у ҳамишъ қатъият ва сабот билан табиат сирларини очишга, ҳаётий ҳақиқатни топишга интилди. Борлиқнинг снгдан ташқарида мавжудлигини, унинг абадий барқарорлигини, модданинг йўқ бўлиб кетмай бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини материалистик нуқтаи назардан исбот қилишга уринди.

Умар Хайём мутаассиблар билан умр бўйи чиқишимаган. Жуғрофия олими Закариё ал Қазвий «Шаҳарларнинг обидалари ва худо бандалари ҳақида ахборот» асарида Хайёмнинг Нишопурдаги ҳаётидан шундай бир лавҳани келтиради: «Ҳикоя қиласидиларки, аъламлардан бири ҳар куни офтоб чиқмасдан Умарнинг ҳузурига келар ва ундан фалсафа илмини ўрганар, аммо унинг ҳақида одамлар ўртасида гийбат гапларни тарқатар эди. Буни билиб олган Умар ўз уйига барча карнайчилар ва ногорачиларни чақиради ва аълам келган заҳоти баробарига карнайларни вағиллатиб, ногораларни тарақлатишни буюради. Ногораю карнай садоларини эшитган одамлар шу томонга оқиб келадилар. Халқ йигилгач, Умар хитобан: «Эй нишопурликлар! Мана бу олимга қаранглар; у ҳар куни шу вақтда менинг ҳузуримга келиб илм ўрганадиу, сизларга эса менинг гийбатимни қиласди. Агар мен у айтгандай даҳрий одам бўлсан, нега мендан илм ўрганади, агар ундоқ бўлмасам, нега ўз муаллимини гийбат қиласди?» дебди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳ беришича, Умар Хайём умрининг охирларида мутаассиблар билан муносабати бениҳоя ёмонлашиб Маккага кетган. Ҳаждан қайтгандан кейин ҳам ўз әътиқодидан, илмий исботларидан қайтмаган. Жамолиддин ибн ал-Кифтий ёзади: «Астрономия ва фалсафада

унинг тенги йўқ әди. Агар даҳрий бўлишдан қўрқмаганда илм соҳасида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширган бўлур әди»¹.

Умар Хайёмнинг жаҳоний нуфузи ҳақида жуда кўп гурунг қилиш мумкин. Имкониятнинг торлиги туфайли бу ҳақда гапни мухтасар қиласиз. Уолтер Лорд ўзининг «Титаника»нинг сўнгги кечаси» китобида (Ленинград, 1983) ёзича, 1912 йилда уммонга чўкиб кетган «Титаника» кемасидаги ҳамма нарса, шу жумладан йўловчилар ҳам 250 миллион доллар деб ҳисобланган, аммо Умар Хайёмнинг «Рубоийлар» қўл ёзмаси бебаҳо мулк әди, деб айтилган.

* * *

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» рисоласи унинг тарихи, этнографияни, халқ урф-одатлари ни жуда мукаммал билганлигидан далолат беради.

Мутафаккирнинг бу асари Маликшоҳ ва Низом-ул-мulk вафотидан кейин яратилди. Бунинг ўз сабаблари бор. Бинобарин, Маликшоҳ билан Низом-ул-мulk Умар Хайём ва бир қанча олимларни расадхона қуришга ва бу расадхонада астрономия фанини ривожлантиришга таклиф этадилар. Шоҳ ва вазир расадхона қурилиши учун жуда кўп маблағ ажратадилар, олимларнинг таъминотини яхшилайдилар. Аммо расадхона икки давлат арбобининг ўлимидан сўнг битмай қолди. Назаримизда, Умар Хайём Маликшоҳ ворислари ни шу расадхонани битириш ишига даъват қилиш мақсадида «Наврўзнома»ни ёзган ҳамда унда бурунги ўтган подшоларнинг олимларга қилган ҳомийликларини атайлаб ишора тарзида айтган.

Муҳими шундаки, Умар Хайём шу расадхона қурилиши баҳонасида Қуёш тақвими (календари)ни ишлаб чиқди. Бу тақвим ҳозирда қўлланиб келаётган Григорий тақвимидан кўра мукаммалроқдир.

¹ Б. А. Розенфальд, А. П. Юшкевич. Жизнь и творчество Омара Хайяма. Омор Хайям, Трактаты. Изд-во Восточной литературы, М., 1961, 30-бет.

Умар Хайём «Наврӯзнома»да Қуёш тақвими-нинг тарихини баён қилади. Шу тақвим бўйича Эрон подшоҳларининг Наврӯз кунини қандай белгилаганликлари ва байрамни қай тарзда ўтказганликларини тарихий далиллар билан баён қилган.

Биз бу рисолада Наврӯз байрами билан боғлиқ бўлган жуда кўп одатлар, предметлар, афсоналар билан дуч келамиз. Ҳозирги замонда ўтётган Наврӯз байрами билан Умар Хайём тасвир қилаётган даврдаги Наврӯз байрами орасида катта фарқлар мавжудлигидан ҳайрон бўламиз. Дуруст, ҳозирги замонда қиличбозлик, тирандозлик, ча-вандозлик каби одатлар деярли йўқ, аммо рисола бу одатлар ҳақида маълум даражада ўйлаб кўришга даъват этади. Атом ва космос асрида яшасак-да, ўша гўзал одатларни қўмсагимиз келади, жийрон, қорабайир отларимизнинг кишинашларини соғинамиз.

Умар Хайём бу рисолада на фақат этнограф, тарихчи, балки билимдон табиб сифатида ҳам кўринади. У инсон организмининг фаслдан фаслга ўтганда ўзгаришини ҳисобга олиб, энг керакли тиббий маслаҳатларни беради. Масалан, арпанинг минг дардга даво эканлигини ҳозирда жуда кам одамлар билса керак. Ёки май — узумдан тайёрланган ичимликнинг фойда ва зарарларини билиш ва уни истеъмол қилишда нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақида маълумот олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шуниси равшанки, Умар Хайём фойда ва зарари ҳақида гапирган май бу ҳозирги тушунчадаги спиртли ичимлик әмас, балки покиза қилиб, кўп ҳолларда дори сифатида тайёрланган ичимликдир.

Демак, «Наврӯзнома» фақатгина тарихнинг обидаси әмас, жуда кўп фойдали томонлари билан бугунги кунимизга ҳам эшdir. Бинобарин, Умар Хайём асрлар оша бугун ўз ҳуқуқини тиклаган ва умумхалқ байрамига айланган Наврӯзи оламни муборакбод этмоқда.

Асрор Самад,
филология фанлари номзоди



МЕХРИБОН ВА ЁРЛАҚУВЧИ ОЛЛОҲНИНГ НОМИ БИЛАН

Жаҳонни яратган, замину замон әгаси, барча тирик мавжудотга озуқа берувчи, ошкору ниҳонни билувчи, беназиру беҳамто ва бедастуру бениёз, қиёсу саноги йўқ ягона, қодиру номуҳтоҷ оллоҳга ҳамди шукроналар, унинг пайғамбарларига таъзимлар, пок Одам-и сафийдан бошлаб то араблардан чиққан пайғамбар Мухаммад² мустафо саллалоҳу алайҳгача ҳамда унинг ёру қариндошларига оллоҳнинг марҳамати бўлсин.

Хожаи ҳаким, давр файласуфи, малику-л-ҳуқамо Умар ибн Иброҳим ул-Хайём — оллоҳ уни ёрлақасин — бундай дейди: мен ақл баркамоллиги нуқтаи назаридан қараганимда сўздан мўътабарроқ ва каломдан буюкроқ ҳеч нарсани топмадим, чунки ундан афзалроқ бирор нарса бўлганда эди, ҳақ таоло пайғамбарга — саллоҳоҳу алайҳга ўша нарса билан мурожаат қилган бўларди. Араб тилида: «ҳаётда энг яхши суҳбатдош—китоб»³, — дейилган.

Ўз сўзига вафодор бир яхши дўстим мендан Наврӯзнинг⁴ жорий этилганлигининг сабабини тушунтириб беришни ва қайси подшоҳ тайин қилганини сўради. Мен илтимосни қабул қилдим ва унга буюклиги буюк ёрдамида ушбуни иншо этдим.

НАВРӸЗНОМА КИТОБИНИНГ БОШЛАНИШИ

Бу китобда Наврӯз ҳақидаги ҳақиқат, Ажам⁵ подшоҳлари даврида у қайси кунда бўлгани, қайси подшоҳ жорий қилгани ва нега уни нишонлаши-

лари ҳамда подшоҳларнинг бошқа одатлари, шунингдек, уларнинг барча ишларда тутган йўллари кўрсатилади.

Наврўзning жорий қилиниши сабабини айтсак, у шундан иборатки, Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуидагича: Офтоб ҳар уч юз олтмиш беш куну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал⁶ буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камая боради⁷.

Жамшид бу кунни тушунгандан кейин Наврўз деб атади ва байрам қилишни одатга айлантириди. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар. Айтишларича, биринчи Ажам подшоси Каюмарс⁸ подшоҳ бўлгандан кейин йилнинг кунлари ва ойларига ном беришга ҳамда одамлар билсин деб йилнома жорий қилишга қарор қилган. У, тонгда Офтоб Ҳамал буржининг аввалги дақиқасига кирган кунни аниқлаб, ажам мубадларини⁹ йигди ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлиашни буюрди. Мубадлар йигилдилар ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлиашни жорий қилдилар.

Уша замоннинг олимлари бўлган ажам мубадларнинг айтишича, буюк ва муборак Изид¹⁰ ўн икки фаришта яратди, улардан тўрттасини ахраманлардан қўриқлаш учун осмонга юборди, тўрттасини ахраманларни Қоф¹¹ тоғидан ўтказмаслик учун жаҳоннинг тўрт бурчагига юборди, тўртта фариштага эса осмон ва ерда юриб одамлардан ахраманларни ҳайдаб туришни буюрди. Уларнинг айтишича, бу дунё ўзга бир дунёнинг ичидаги худди эски қасрдаги янги уй каби жойлашган ва Изидтаоло нурдан офтобни яратиб, у билан осмону ерни парвариш қилган. Жаҳон аҳли назарида қуёш Изид таоло нурларининг бир нуридир. Унга улуғвор деб таъзим билан боқишлирига сабаб, уни яратишда Изид таолонинг унга инояти ўзгаларга нисбатан кўпроқ бўлган, дейилади. Бунга шундай мисол келтирадилар: бир улуғ подшоҳ ўз халифаларидан бирига иззат-ҳурмат кўрсатса, уни улуғлайдилар ва ҳар ким уни улуғласа, подшоҳни улуғлаган бўлади¹², деб биладилар. Дейдиларки, буюк ва муборак Изид офтобнинг нурлари ва

келтирадиган фойдаси ҳамма нарсага тегсин деб офтобга ўз жойидан қўзгалишни буюрганда, у Ҳамалнинг бошидан чиқиб, зулмат нурдан айрилди, кеча ва кундуз пайдо бўлди. Бу дунёning тарихи ана шундай бошланди. Шундан сўнг бир минг тўрт юз олтмиш бир йил ўтгач, у (офтоб) ўша жойнинг ўзига ўша кун ва ўша дақиқада қайтиб келди.¹³ Бу вақт ичиде Муштарий Зуҳал билан етмиш уч марта бирлашди. Буни «кичик қирон» дейдилар, бу бирлашув ҳар йигирма йилда бўлади. Офтоб ўзининг бир айланиб чиқишини тугатиб ўз жойига қайтиб келганида Зуҳал ва Муштарий орасида Зуҳалнинг ҳубут келган буржидан бирлашув бўлади ва у Зуҳалнинг шараф буржи бўлган Мезон буржига муқобил (қарама-қарши)дир. Бир айланиб чиқиш бу ерда, бири у ерда биз ишора қилгандай ва юлдузларнинг турар жойи ҳам биз кўрсатгандай бўлади¹⁴. Офтоб Ҳамалдан чиқсан пайтида ва Зуҳал ҳам, Муштарий ҳам бошқа юлдузлар билан Изид таоло ҳукми бўйича турганларида жаҳоннинг ҳолати ўзгарди ва дунё ҳамда тақдирга мос равишда янги нарсалар пайдо бўлди. Ажам подшоҳлари шу пайтда Офтобни улуғлаш учун, шунингдек, ҳар ким бу куни топаолмаслигини ҳисобга олиб, уни белгилаб қўйдилар, байрам жорий этдилар ва ҳамма бу санага риоя қилсин деган мақсадда барчага маълум қилдилар. Дейдиларки, Каюмарс йил ҳисобининг бошланиши сифатида бу кунни жорий этганда, уч юз олтмиш беш кун ичиде офтобнинг бир айланиб чиқиши рўй берадиган қуёш йилини ҳар бири ўттиз кундан иборат ўн икки ойга бўлди ва уларни буюк ва муборак Изид дунёга юборган ўн икки фаришта номи билан атади. Сўнгра, у уч юз олтмиш беш куну кечакундузнинг чорагидан иборат улуг даврни «улуг йил» деб атади ва уни тўрт бўлакка бўлди. Катта йилнинг тўрт бўллаги ўтганда катта Наврўз бўлади ва дунёning ҳолати янгиланади. Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида улар яхшиликка фатво бериш ва саналарни белгилаш ҳамда майшат учун маълум маросимлар ўтказишлари зарур. Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хур-

рам бўлади ва фарогатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган.

Фарвардин ойи — «фарвардин» — паҳлавийча сўз ва унинг маъноси айнан жаннатлар бўлиб, бу ой ўсимликлар ўсишининг бошланишидир. Бу ой Ҳамал буржига оид. Бинобарин, ойнинг бошидан то охиригача офтоб шу буржда бўлади.

Урдбихишт ойи — бу ойни урдбихишт деб атадилар, бу ойда дунё ўзининг кўкариши ила жаннатмонанддир, урд паҳлавий тилида «мананд» дегани. Офтоб бу ойда ҳақиқий айланиши бўйича Савр буржида бўлади. Бу ой баҳорнинг ўртасидир,

Хурдад ойи — одамларни буғдой, арпа ва мевалар билан боқади. Офтоб бу ойда Жавзо буржида бўлади.

Тир ойи — бу ойни «тир» атадилар, чунки бу ойда буғдой, арпа ва бошқа нарсаларни тақсим қиласидилар. Офтобнинг авжи пасая бошлайди. Саратон буржида бўлади. Бу ой ёз ойининг биринчи сидир.

Мурдод ойи — тупроқ берди, яъни унда етилган мева ва сабзавотларни берди. Яна бу ойда ҳаво тупроқ тўзонига ўхшайди. Бу ой ёз ўртасидир. Офтоб Асад буржида бўлади.

Шаҳривар ойи — бу ойни шаҳривар дейдилар, чунки бу даромад ойидир, яъни, подшоҳларнинг даромадлари шу ойга тўғри келади. Бу ойда дечқонга ўлпон тўлаш осон. Офтоб Азро (Сунбула)да бўлади. Бу ёзниг охирги ойи.

Меҳр ойи — бу ойни меҳр дейишади, чунки у инсонлар ўртасидаги дўстлик ойидир ва пишган барча мева ва бошқа нарсалар ҳамда ўзларининг улушларига текканини бирга баҳам кўрадилар. Офтоб бу ойда Мезонда бўлади, яъни кузнинг бошланишидир.

Обон ойи — яъни бу ойда бошланган ёлардан сув кўпаяди ва одамлар экинларини радиilar. Офтоб бу ойда Ақрабда бўлади.

Озар ойи — паҳлавий тилида озар «олов» деганидир. Бу ойда об-ҳаво совий бошлайди ва оловга муҳтоҷлик пайдо бўлади, яъни бу олов ойидир. Офтоб бу ойда Қавс буржида бўлади.

Дай ойи — паҳлавий тилида «дай» девни анг-

латади. Бу ойни «дай» дейишларига сабаб, у қаҳрли ва бу ойда ер кўкаришдан йироқдир. Офтоб Жадида бўлади. Бу қишининг биринчи ойи.

Баҳман ойи — ўшанга ўхшаган, дегани. Чунки бу ой ўша дай ойига ўхшаб совуқ ва қуруқдир. Офтоб бу ойда Зуҳал хонасида, далвнинг жади билан туташ ерида бўлади.

Исфандармуз ойи — бу ойни исфандармуз дейдилар, чунки исфанд паҳлавий тилида мевани англатади, яъни бу ойда мевали дараҳт ва ўсимликлар кўкара бошлайди. Офтоб бу ойда охирги Ҳут¹⁵ буржига етиб келади.


Қаюмарс бу вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Шундап кейин у қирқ йил яшади¹⁶. У ўлгач, Хушанг тахтга ўтириб тўққиз юз етмиш йил подшоҳ бўлди¹⁷. У девларни енгди, темирчилик, дурадгорчилик, тўқимачилик ҳамда ипак қуртидан ипак, асал аридан асал олишни кашф этди ва дунёни шод-хуррамлика үтказиб, ўзи ҳақида яхши хотира қолдириб кетди. Ундан кейин тахтга Тахмурас ўтироди¹⁸. У ўтиз йил подшоҳлик қилди. У девларни ўзига бўйсундирди, кўчалар ва расталар қурдирди, жун ва ипакдан мато тўқишини расм қилди. Зоҳид Бузасп унга қарши чиқиб, сабийлар динини тарқатди¹⁹. Тахмурас бу динни қабул қилиб, белига зуннор боғлади²⁰. У қуёшга сифинди, одамларни ёзувга ўргатди. Уни девбанд Тахмурас деб атадилар. Ундан кейин подшоҳлик унинг укаси Жамшидга ўтди²¹. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва Офтоб фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи бурж (Қавс)га кирди. Жамшид подшоҳлигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач, бу давр тугади ва қуёш ўз фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб, дунё мувозанатга келди. Жамшид девларни бўйсундирди ва ҳаммом қуриш ва мато тўқишини буюрди. Жамшидгача дебо «дев тўқиган нарса», дейиларди²². Аммо вақт ўтиши билан одамлар идрок ва тажрибалар ёрдамида ҳозир биз кўриб турган даражага етиб келишди. Сўнгра, Жамшид эшак билан отни чатиштириб хачир олди. У конлардан қимматбаҳо тошлиар қазиб олиб қурол ва

безакларнинг барча турларини яратди. Конлардан қазиб олинган олтин, кумуш, мис, қўргошин, қалай сингари маъданлардан тож, тахт, билак-узук, тақинчоқлар ва узуклар ясади. У мушк, анбар, кофур, заъфарон, уд ва бошқа хушбўй нарсаларни кашф этди. Биз эслатган кунда у байрам ташкил қилди, унга «Наврўз» деб ном берди ва одамларга ҳар йили фарвардин келгандан байрам қилишни ва ўша кунни янги (йил) деб ҳисоблашни, Қуёш тургунча Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди. Наврўз ҳақидаги ҳақиқат мана шудир. Жамшид ўз подшоҳлигининг бошлинишида жуда одил ва марҳаматли эди, фуқаро уни севар ва ундан мамнун эди, Изид таоло эса унга саҳоват ва онг берди, у одамларни олтин, қимматбаҳо тошлар, дебо, атири ва чорва билан маъмур этди. Подшоҳлигига тўрт юз йилдан кўпроқ вакт ўтгач, дев билан ошно бўлди, дев эса унинг дилида дунёга ҳирс уйғоғди, ишқилиб ҳеч ким дунёга меҳр қўймасин! — магурланиб кетди ва адолатсизлик ҳамда шуҳратга берилиб, бойлик тўплай бошлади, одамлар азоб чека бошладилар ва кеча-кундуз Изиддан унинг ҳукмронлигига чек қўйишини илтижо қилдилар. Худонинг марҳамати ундан йироқлашди ва унинг ҳамма ишлари хатоликка кетди. Шунда подшоҳликнинг бир бурчагидан Заххок²³ деб аталган Баюрасп чиқди ва уни тор-мор қилди, одамлар бўлса Жамшидга кўмак бермадилар, чунки ундан азоб чеккан эдилар. У Ҳинд ерига қочди, Баюрасп бўлса тахтга ўтириди, кейинроқ уни тутиб нимталаб ташлади. Баюрасп минг йил подшоҳлик қилди. Аввалига у одил бўлди, охирида адолатсиз бўлиб қолди, сўз ва ишларида девга қулоқ солди ва Ҳиндистондан Афридун²⁴ келгунига қадар одамларга азоб берди. Афридун уни ўлдириб тахтга ўтириди. Афридун Жамшид авлодидан эди. У беш юз йил подшоҳлик қилди. Афридуннинг подшоҳлигининг бир юз олтмиш тўрт йили ўтганда Каюмарс тарихининг иккинчи даври тугади Афридун Иброҳим²⁵ алай-ҳи-с-саломнинг — жойи жанинатда бўлгай — динини қабул қилди. У, фил, арслон ва сиртлонни қўлга ўргатди, чодир тикид ва муҳташам айвон

қурди, боғ ва иморатларга оқар сув олиб келди, мевазор боғларга ниҳоллар ва турунж, норанж (апельсин), бодранг²⁶, лиму ҳамда атир гул, бинафша, наргис, нилуфар ва бошқа нарсаларнинг уруғларини экди. Мехронни ҳам жорий қилди, худди шу куни Заххокни зинданбанд қилиб подшоҳликни қабул қилган куни Сада²⁷ байрамини жорий қилди. Заххокнингadolatcizligi ва истибдодидан халос этилган одамлар мамнун бўлиб, шу кунни яхши истиқбол даракчиси сифатида байрам қилдилар ва Ажам ва Туронда²⁸ бу кун шу пайтгача меҳрибон подшоҳлар шарафига ҳар йили нишонланади. Офтоб ўз фарвардинига етганда Афридун бу кунни яна байрам қилди. У бутун дунёдан одамларни йифиб бу ҳақда шартнома тузди. У ўз амалдорларига адолатли бўлишни буюрди. Ўз подшоҳлигини ўғилларига бўлиб берди. Туркистонни Жайхун дарёсидан то Чин ва Мочингача²⁹ Турга, Рум ерини³⁰ Салмга, Ажам ва ўз тахтини — Эражга³¹ берди. Шундай қилиб Туркистон, Рум ва Ажамнинг барча подшоҳларининг келиб чиқиши битта, бир-бирлари билан қариндошдирлар, чунки уларнинг ҳаммаси Афридун авлодидир. Шунинг учун барча инсонлар подшоҳлар шарафига маросимларни ўтказишлари зарур, зеро улар Афридун уруғидандирлар. Унинг замонаси ва Гуштаспгача бўлган бошқа барча подшоҳларнинг замонаси тугагандан сўнг, Гуштасп³² подшоҳлигининг ўттизинчи йили ўтганда Зардўшт пайдо бўлди ва габр³³ динини олиб келди. Гуштасп унинг динини ва ичимлик майини қабул қилди. Афридун байрамидан ўша пайтгача тўқиз юз қирқ йил ўтди.

Офтоб Ақраб буржига қирганда, Гуштасп кабиса қилишга буюрди ва бунинг натижасида фарвардинни Офтобнинг Саратон буржига киргандан бошлаб байрам қилина бошланди. Гуштасп Наврўзни ана шу куни байрам қилиш керак, чунки Саратон — меҳнат учун саодатманд бурж, дежқон ва қорандаларга шу вақтда ўлпон тўлашга имкон бериш зарур, шунда уларга енгиллик бўлади, дея байрамни шу кунга белгилади. Сўнгра, у, йиллар ҳам аниқ бўлсин ва одамлар ўз вақтларини совуқ-

да ҳам, иссиқда ҳам била олсинлар деб, ҳар юз йигирма йилда³⁴ кабиса қилишга бүтүрди. Бу одат то Зулқарнайн деб аталувчи Искандар Румий³⁵ замонасигача давом этди. Шу пайтдан бошлаб одамлар кабисани нишонламай қўйдилар ва мазкур одат қарор топгунча нима иш қилган бўлсалар ўшандай ишни қиласвердилар. Бу Ардашер Бобакон³⁶ замонасигача давом этди, у яна кабисани қарор топтириди ва катта байрам уюштириди. Бу ҳақда аҳднома тузди ва шу кунни Наврӯз деб атади. Одамлар бу байрамни то Нўширавони Одил³⁷ замонасигача нишонладилар. Мадойин айвони³⁸ битганда Нўширавон Наврӯз байрамини ўша замон одатлари бўйича ўтказди. Аммо у кабисани қарор топтирмади. У Офтоб айланиш даврининг охирида Саратоннинг биринчи кунига етмагунча одамлар бу ишни қилмасинлар, токи Каюмарс ва Жамшиидларнинг кўрсатмалари орадан кўтарилисинг, деди. Шундай дегандан сўнг кабиса қилмадилар. Бу Офтобни кузатиб туриш ва ҳар йили Офтоб Ҳамал буржига кирганда Наврӯзни байрам қилишни буюрган Маъмун³⁹ замонасигача давом этди. Шундай қилиб «Зич-и Маъмуний» тузилди ва шу пайтгача йил ҳисобини шу зич ёрдамида бажарадилар.⁴⁰ Бу то Мутаваккил⁴¹ замонасигача давом этди. Мутаваккилнинг Мұхаммад ибн Абд-ал-Малик⁴² деган вазири бор эди, у Мутаваккилга ўрим солиги шундай вақтга тўғри келяптиki, уни амалга ошириш галла вақтидан узоқ бўляяпти ва бу одамларни қийнаяпти, Ажам подшоҳларининг одатича, одамлар ҳосил йигилдан кейин солиқ тўлаш пайтида қийналмаслик учун йилни ўз ўрнига қайтармоқ мақсадида кабиса қиладилар, деб айтди. Мутаваккил розилик билдириб, кабиса қилишга буюрди ва Офтобни Саратондан фарвардинга қайтардилар. Шундан кейин одамлар тинчланиб яна ўша одатга риоя қила бошладилар. Шундан кейин Сеистон⁴³ амири Ҳалаф ибн Аҳмад бошқа кабисани жорий қилди. Ўша даврдан бизнинг замонгача ўн олти кун фарқланана бошлади. Саодатманд ва дин таянчи Султон Маликшоҳ⁴⁴ — олло руҳини шод этсин — бундан хабар топиб эски кабисани жорий этиш ва йилни



ўз жойига қайтаришга буюрди. Бунинг учун ўша замо~~с~~даги Хуресон олимларини чақиртирди. Улар кузатиш учун барча ишларни бажардилар — де-ворлар күтаришди, устурлаб⁴⁵ ўрнатдилар ва шунга ўхшаш ишларни амалга ошириб, Наврўзни фарвардинга кўчирдилар. Аммо замона подшоҳга бу ишни охирига етказишга имкон бермади ва каби-са тамомланмай қолди.⁴⁶

Наврўзниң келиб чиқиши тарихи мана шу. Буларниң ҳаммасиниң биз аждодларимизниң китобларидан топдик ва олимлардан эшиятдик.

Энди Ажам подшоҳларининг баъзи одатлари ҳақида ҳикоя қилиб берамиз ва Оллоҳниң марҳамати ва ёрдамида яна Наврўз масаласига қайта-миз.

АЖАМ ПОДШОҲЛАРИНИҢ ОДАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ажам подшоҳлари барча замонларда иложи борича дастурхонни яхшироқ безатиши оdat қилганлар.⁴⁷ Халифалар даври келгандан дастурхон ясатиш бўйича шундай тантанаворликни жорий этдиларки, буни сўз билан баён этиш амри маҳодир. Бу айниқса аббосий халифаларига тааллуқли. Турли шўрвалар, қовурмалар, ҳар хил ҳалво, ичимлик — буларниң ҳаммаси улар томонидан жорий этилди. Ҳошимий ва сабуний габи ҳар хил ҳалволар, лавзинолар,⁴⁸ шўрвалар, хамирдан тайёрланган шириналар — буларниң ҳаммасини аббосий халифалари урф қилганлар. Бу яхши одатлар уларниң мурувватли эканликларини кўрсатади.

Ажам подшоҳлари адолат, бинолар қуриш, ўрганиш, фалсафий машғулотлар, олимларга ҳомийлик қилишни оdat қилиб, булар учун катта меҳнат сарфладилар.

Бошқа одатлар: ҳар бир шаҳар ва вилоятларга ўз одамларини қўйдилар, улар подшоҳга одамлар орасида бўлаётган барча ишлардан хабар бериб туарар эдилар. Подшоҳниң бу буйруги шарофати билан ёмон ниятлиларниң қўли калта әди ва амалдорлар одамларга адолатсизлик қилишдан ҳайиқар, ҳеч кимдан ноҳақ бирор дир-

ҳам⁴⁹ ола билмас, фуқародан қонун ва қоидалар белгилаганидан ортиқча нарса талаб қилишга жүръят әтмас әдилар. Шундай қилиб, уларнинг мулклари омон, хотину фарзандлари осойишта әди. Ҳар бир одам подшоҳдан ҳайиқиб ўз иши ва ҳунари билан яшарди.⁵⁰

Яна бир одат: улар хизматкорга берган бир бурда нонларини қайтариб олмас ва одатга кўра, ҳар йили ва ҳар ойда маълум вақтда уларга нон улашардилар. Агар бирор киши ўлиб қолиб ундан кейин ўша вазифани бажара оладиган ўғли қолса, унга отасининг ҳақини берар әдилар.

(Яна) бошқа бир одат: улар бино қуришга зўр бериб ҳаракат қиласи ва давлат тахтига ўтиргач, ҳар бир подшоҳ мамлакат фаровонлиги ҳақида гамхўрлигини эслашсин деб, қайси ернинг об-ҳавоси яхши бўлса, ўша ерга шаҳарлар қуришни кечаю-кундуз ўйлар әдилар. Агар подшоҳ улқан қаср, шаҳар, қишлоқ, карвонсарой, қалъя қурса ёхуд ариқ қазитса ва агар қурилиш унинг даврида битмай қолса, унда унинг ўғли ёки давлат тахтини әгаллаган бошқа одам мамлакат ишларини қўлга олгандан сўнг аввалги подшоҳ қуриб улгурмаган иншоотни битирмагунча бошқа нарсаларга ёътибор бермас әди, Афридун авлодидан бўлган ажам, турк, рум подшоҳларининг одатлари шундай әди. Дунё ва мамлакатнинг фаровон бўлишига биз ҳам интилишимизни ҳамма одамлар билиб қўйисин, дер әдилар.⁵¹ Аммо подшоҳнинг ўғли отасига қараганда бу ишларга кўпроқ гайрат кўрсатарди, бунга бир неча сабаблар бор: отамиз тахтига ўтирган эканмиз, дер әди у, демак, бу ишни унга қараганда биз бажаришимиз осонроқ, шунинг учун ота бажаролмай қолган нарсани ўғил бажариши шартдир. Яна у айтардик, менинг отам бу бинони дунё фаровон бўлсин деб олийжаноблигидан, яхши шон-шуҳрат, Оллоҳ таолога яқинлашмоқ, ёхуд фараҳ ва қувонч учун қурдира бошлаган, ҳар ҳолда менга ҳам мамлакат фаровонлиги, яхши шон-шуҳрат, парвардигорнинг ризоси, фараҳ ва шодлик даркор. Шунинг учун у бино қурилишини давом эттиришга буюрар ва шаҳар ё бинони қуриб битиришга эришарди. Агар бу бино

унинг подшоҳлигига битирилмаса, у ҳолда унинг вориси бинони қуриб битирарди. Одамлар ҳам бу бинони худо унинг қўли билан қурди деб, подшоҳни муборакбод этар ва дуо қилар эдилар. Мадойин шаҳридаги Кисро⁵² айвонининг асосини Шопур Зулурин-Актоф⁵³ қурган эди, ундан кейин яна бир қанча подшоҳлар уриндилар, аммо Нуширавони Одил қўли билан битирилди. Бунга ўхшаган мисоллар кўп, Андимашқидаги кўприк шулар жумласидандир.

Ажам подшоҳларининг бошқа одатлари ҳам бор эди: агар кимда-ким бир нарса таклиф қилса, қўшиқ айтса ёки уларга маъқул бўладиган пурмаъно сўзлар айтса, улар «Офарин!» — дейишарди ва «Офарин» дейишлари билан ўша одамга ҳазинадан минг дирҳам берилар эди. Улар яхши суҳанинг қадрини билишарди.⁵⁴

Ажам подшоҳларининг яна бир одати бундай эди: улар учта жиноятдан бошқа ҳамма айбларни кечиришарди: биринчиси — уларнинг (бу ўринда давлат деб ўқилсин — А. С.) сирини фош қилиш, иккинчиси — Яздонни⁵⁵ ҳақорат қилиш, учинчиси — буйруқни менсимай, уни бажармаслик. Улар шундай дер эдилар: кимда-ким подшоҳ сирини сақлай олмаса унга ишониб бўлмайди, кимда-ким Яздонни ҳақорат қилса — даҳрий, агар бирор кимса подшоҳ буйругини бажармаса — у ўзини подшоҳга тенг тутмоқчи, шунинг учун қулоқ солмайди. Подшоҳлар дунё неъматларидан нимагаки эга бўлсалар, бошқалар ҳам шунга эгадирлар, бинобарин, подшоҳлар билан фуқаронинг фарқи битта, яъни подшоҳлар буюрадилар ва фуқаро буйруқни бажаради, агар бошқалар подшоҳ буйруғига қулоқ солмасалар, у ҳолда улар орасида қандай фарқ қолади,— деб юқорида эслатилган учта жиноятга дарҳол жазо берадилар. Яна бир одат: улар саҳрова карвонлар тўхтайдиган жойларда карвонсаройлар қурагар, қудук қазир, йўлларни қароқчи ва ёвузлардан қўриқлар эдилар. Агар улар бирор одамга иш ҳақи ва ёрдам учун маблаг бериши тайин қилган бўлсалар, ҳар йили ўша одам талаб қилмасдан олдин шу иш ҳақи ва ёрдамни берар эдилар. Агар амалдорлардан биронтаси ви-

лоят ёки қишлоқдан олинадиган солиқни белгиланганидан ортиқча талаб қылса, ҳеч ким одамдардан минбаъд ортиқча нарса олмасин деб, подшоҳлар ўша амалдорларга бундай ишни топширмай қўйар ва жазо берар эдилар, чунки фуқарони норози қилиш подшоҳликнинг инқирозга учрашига сабаб бўлади.

Агар хизматкорлардан биронтаси яхши хизмат қылса, бошқалар ҳам шундай хизмат қилсин, деб унга дарҳол ташаккур айтишар, бажарган хизматига яраша мукофот берар эдилар. Агарда бирор кимса айб иш қилиб қўйса ёки жиноят содир этса, шу заҳотиёғ уни жазоламай бирор одам кафил бўлган чогда уни кечириш мумкин бўлсин деб унинг хизматларини инобатга олиб қамоққа солардилар. Бунга ўхшаш мисоллар кўп. Агар биз уларнинг ҳаммасини әслатиб ўтмоқчи бўлсак ҳаддан зиёд; шу айтганларнинг ўзи етарли. Бу китобнинг мақсади бўлган Наврӯз таърифига қайтамиз,

МУБАДЛАР МУБАДИНИНГ ТАШРИФИ ВА НАВРЎЗНИНГ ТАНТАНАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИ- НИШИ ҲАҚИДА

Кайхусрав замонасидан то Ажамнинг охирги подшоси Яздижард⁵⁶ асригача Ажам подшоҳларининг одати бундай эди: наврӯз куни подшоҳ оиласидан бўлмаган биринчи одам — мубадлар мубади⁵⁷ подшоҳ олдига май тўла олтин жом, узук, дирҳам ва подшоҳ динори⁵⁸, бир қучоқ арпа ниҳоли, қилич, ўқ-ёй, давот ва қалам билан келиб форс тилида⁵⁹ офаринлар айтиб, табриклар ва унга шуқроналар билдиради. Мубадлар мубади подшоҳни васф этиб бўлгандан сўнг олий мартабали амалдорлар келиб хизматга тайёр эканликларини изҳор этишар эди.

МУБАДЛАР МУБАДИНИНГ ОФАРИН АЙТИБ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

«Шоҳим! Фарвардин байрамида, фарвардин ойида Яздан ва Каён дини учун эркин бўл. Суруш⁶⁰ донолик, синчковлик ва илмни сенинг кўнг-

лингга соган, арсан табиат бўлиб узоқ яша, заррин таҳтда шодмон бўл, Жамшид жомидан бир умр нўш эт, ҳиммат ва муруват билан аждодлар одатига риоя қил, одил ва ҳақгўй бўл, бошингда сочинг оқармасин, сенинг ёшлигинг арпа ниҳолига ўхшасин, минган отинг чопқир ва музaffer бўлсин, қиличинг ярқириған бўлсин ва душманларга ўлим келтирсин, лочининг овда омадга ёр бўлсин, ишинг ўқдай тўғри бўлсин, яна бир юрт олгин, таҳтда доим дирҳам ва динорли бўл, истеъоддли ва олим сендан ҳиммат ва марҳамат кўрсин, саройинг фаровон, умринг узун бўлсин». Бу сўзларни айтиб бўлгач, у майдан тотиб кўриб, жомни подшоҳга узатар, подшоҳнинг бошқа қўлига ариа ниҳолидан берарди, таҳт пойига дирҳам ва динорларни қўярди. Бу билан у, агар олий мартабали амалдорлар Наврўз куни даставвал бирор нарсага кўзлари тушса, келгуси йилгача шоду-ҳуррам бўлсинлар ва бу нарсалар уларга баҳт келтирсин, деган истак билдирап эди. Бу уларга худонинг марҳаматидир, чунки подшоҳга тақдим қилинган нарсалар дунёning шодлиги ва фаровонлигининг сабабчисидирлар.

Энди олтиннинг фойда ва хислатларига ўтамиш ва бу ҳақда ҳикоя қиласиз, чунки айтадиларки, олтин барча ҳимматбаҳо нарсаларнинг подшоҳи ва подшоҳларнинг зийнатидир.

ОЛТИН ВА УНИНГ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Олтин — бу қуёш иксири, кумуш эса ой иксидир. Кондан олтин ва кумуш қазиб олган биринчи одам Жамшид эди. У кондан олтин ва кумуш қазиб олгандан кейин олтиндан қуёшга ўхшаш думалоқ лаппак ясашга ва унинг ҳар икки юзасига қуёшнинг тасвирини муҳрлашга буорди. Худди қуёш осмонда подшоҳ бўлгандай, бу инсонлар подшоҳидир, деди. Сўнгра кумушдан ойга ўхшаш лаппак ясашди ва ойнинг тасвирини иккала томонга муҳрладилар, худди ой осмонда ҳоким бўлгандай, у ерда одамлар ҳокими дедилар. Кимё

подшоҳи бўлган олтинни саодат кунининг қуёши, кумушни — бахт туенининг қамари, дурни бўлса бойлик осмонининг юлдузи дедилар.⁶¹ Баъзи синчков одамлар олтинни қашшоқлик қишининг олови дейдилар, баъзилари чиройли қилиб уни олиймаҳом мансабдор қалбининг қувончи деганлар, яна баъзилар — подшоҳлик боғининг наргиси, баъзилар — дин нигоҳининг нури дейдилар. Олтиннинг бошқа ҳамма маъданлардан афзаллиги билан тушунирадилар. Олтиннинг хислатларидан бири шуки, уни тамошо қилиш кўзга нур, қалба қувонч беради, бошқаси шуки, у одамни жасур қилади, ақлни кучайтиради, учинчиси эса — юзнинг хуснига ҳусн қўшади, ёшлини мунаввэр этади ва қарилекни узоқлаштиради, тўртинчиси — лаззатни кучайтиради ва кишилар кўзида унинг қадрини ортиради. Ажам подшоҳлари олтинни жуда қадрлар эдилар ва икки олтин нарсанни: бири — жом, бошқаси — узангини ҳеч кимга бермас эдилар. Олтиннинг хислатлари ҳақида айтадиларки, агар, гўдакни олтин кўзадаги сутдан бериб боқилса, у яхши гапира бошлайди ва одамларга ёқимтой бўлади, у мард ўсади, тутқалоқ қасалига чалинмайди, тушида қўрқмайди ва агар унинг кўзларига олтин чўпда суртиб қўйилса шилпиқ бўлмайди, ёшланмайди, бундан ташқари кўзи равшанлашади. Агар лочин оёғини олтин занжир билан бойланса у овда жасур ва шиддаткор бўлади. Ҳар қандай жароҳат олтин ёрдамида тезроқ даволанади, аммо битиб кетмайди, шунинг учун олиймаҳом мансабдорларнинг хотинлари, қизлари ва ўғилларининг қулоқ солинчакларини олтин игна билан тешганлар, ҳақиқатан у битиб кетмайди. Олтин кўздан ичимлик ичиш истисқодан сақлайди ва юракни қувонтиради, шунинг учун табиблар хурсанд қиладиган нарсалар қаторида олтин, кумуш, дур, уд, мушк, ипакни эслатадилар. Юракнинг ғам ёки безовталикдан азият чекишини олтин ва кумуш билан, қабзиятни уд, мушк ва ипак билан, қон босимиши — қаҳрабе ва қуритилган мевалар билан, қон қуюлишини дур ва ипак билан даволаса бўлади.

ДАФИНАЛарНИНГ АЛОМАТЛАРИ ҲАҚИДА

Агар ерда хазина ёки дафина бўлса, ўша ерда қор турмай эриб кетади. Дафинанинг аломатларидан бири шуки, уруғ сепилмаган ерда райҳон ўсиб чиқади, бу ўша ерда дафина борлигидан дарак беради. Агар тоғ ёнбагрида, аҳоли турадиган ердан узоқда кунжит ёки бақлажон ўсганини кўрсалар, ўша ерда дафина борлигини аниқлайдилар. Агар шўрхок жойнинг ўртасида буқа терисидай келадиган бир парча яхши ер ёки муҳра⁶² ясашга ярайдиган тупроқ бўлса ўша ерда хазина бор дейишади. Агар ўлимтик нарса йўқ жойда кўп қузғунлар учеб юрганини кўришса у ерда хазина борлигини башорат қиласилар. Агар ёмғир ёғаётган бўлсаю, чуқурча йўқ жойда сув тўпланиб қолса, у ерда хазина бор дейидилар. Агар қишида бирор ерда қор тез эриб кетсаю атрофида қор қолса, ўша ерда хазина бор дейишади. Агар... тош ёғ суртилгандай ялтираб кўринса ва уни ёмғир ҳамда сув хўл қилмаса, у ерда хазина бор эмиш. Агар тоғдан бирга ўйнаб, чуғурлашиб эниб келаётган қирғовул ва какликни кўришса, ёки кутилмаган пайтда асал арилар бир жойга тўпланишса, ёки бирор дарахтнинг айрим шохи бошқаларга нисбатан бақувват ўсса, бу ерда хазина бор дейишади. Синчков одамлар буларнинг ҳаммасини хазиналарни топиш учун баъзи белгиларга қараб аниқлагандар. Агар олтин беркитмоқчи бўлган одам олтинни мис ёки шиша идишга солиб кўмиб қўйса ва агар шу олтинни истаб топмоқчи бўлса, уни топа олмайди; у кимдир олиб кетган деб ўйлади, аммо аслида уни ҳеч ким ўғирламаган, у пастроқ тушиб кетган бўлади, чунки олтин жуда оғир ва то сувга етмагунча ер тагига чуқур тушиб кетаверади. Олтиннинг кучи ҳақида бир неча ҳикоялар келтирамиз.

ҲИКОЯТ. Кунлардан бир кун Нўшинравон соч-соқолини олдириш учун саройидаги боқقا сартарошни чақиритиради. Сартарош қўлини унинг бошига қўйгач, бундай деди: «Агар сиз, олийҳаз-

ратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар⁶³ меҳнатидан фориг этаман». Нўшинравон ўзича: «Бу одам ўзи нима деяпти?» — деб ўйлаб унинг сўзларига ҳайрон бўлди. Аммо, сартарошнинг қўлидаги устарасидан қўрқиб бирор қарши сўз айтишга юраги дов бермай: «Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин», деди. Сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан сўнг Бузуржмеҳрни⁶⁴ чақириб унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузуржмеҳр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради: Сен олий ҳазратнинг сочини олаётганда нима дединг?» У жавоб берди: «Ҳеч нима». Шунда Бузуржмеҳр сартарош турган ерни кавлаб кўриши буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топишди. Бузуржмеҳр деди: «Олий ҳазратим! Сартарош айтган сўзларни сартарошнинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу хазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган, араблар айтмоқчи: «Кимки ўз оёғи остида хазина кўрса, у ўз ҳаддидан ортиқ нарсани сўрайди»⁶⁵

ҲИКОЯТ. Банно Хусравга⁶⁶ хабар бердиларки, бир одам Омулда тақир ер сотиб олиб шоли эккан эмиш. Ҳозир бу ерда шундай гурунч етиштириладики, бошқа ҳеч ерда бундай гурунч йўқ ва ҳар йили минг динор даромад қиласди. Банно Хусрав бу ерни баҳосига сотиб олди ва ўша ерни бошдан оёқ кавлаб чиқишига буюрди. Бу ердан у қирқ ботмон динор топиб олди. Хусрав шоли экилган ернинг бунчалиқ ҳосилдорлигига сабаб у ерда хазина борлигидандир, деди.

ҲИКОЯТ. Ишончли бир дўстимдан эшитганманки, Бухорода бир телба хотин бўлиб, аёллар унга тегажоғлик қилишар ва унинг гапларига кулишар экан. Бир куни бир хонадонда шойи кўйлак кийгизиб, тақинчоқлар тақишиб ясантиришибди ва «Биз сени әрга берамиз», — дейишибди. Бу аёл умрида олтин ва жавоҳирларни кўрмаган эди. Буларнинг барини ўзида кўриб у оқилона гапларни айта бошлабди, ҳатто одамлар уни соғайиб кетди деб ўйлабдилар. Аммо ундан буларнинг ҳаммасини тортиб олишгандан сўнг, у яна телба бўлиб қолибди.

Айтишларича, улуғлар ўз хотинлари ёки чўрилари билан яқинлашмоқчи бўлсалар белларига олтии камар боғлар эканлар ва аёлга ҳам шундай ясанишни буюрар эканлар, улар: «Агар шундай, қилсанг ўғил жасур, баркамол ва гўзал юзли, ақлли ва инсонлар қалбига күшёқадиган бўлади», — дер эканлар. Аёл ўғил туққаңда эса, улар бешикка олтии ва кумуш тангалар осиб қўяр ва «Бу икки нарса инсонларнинг ҳукмронидир», — дер эканлар.

УЗУК ВА УЗУКНИНГ ХИСЛАТЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

Узук жуда яхши безакдир ва у бармоқда бўлиши даркор. Тўраларнинг айтишicha, мартабами кишиларни узук тақиб юришга олийжаноблик даъват этади. Бармоғига узук таққан бириичи одам Жамшид эди. Тўраларнинг узук тақилмаган панжалари байроқсиз сафланган одамларга ўхшайди (?), дейдилар. Бармоқдаги узук белдаги белбоғга ўхшайди, белда белбоғи бор одам чиройлироқ кўринади. Тўраларнинг бармоғидаги узук уларнинг баркамол олийжаноблигидан, фикр қуввати ва қарорларининг тўғрилигидан дарак беради, чунки кимда-ким баркамол олийжаноб бўлса, муҳри бўлади. Кимда-ким фикрий қувватга эга бўлса, у шижоатсиз бўлмайди, чунки тўраларнинг муҳрсиз мактуби фикр бўшлиги ва шижоатсизлигидан дарак беради. Муҳрсиз мактуб бепарволик ва еигилтаклиқ тимсолидир. Сулаймон⁶⁷ алаҳи-с-салом узугини бузиб қўйгани учун подшоҳлигидан ажралди. Узукнинг ўзидан кўра, муҳр эгаси бўлган муҳимроқдир. Пайгамбар сал-л-лоҳу алаху-с-салом бармоғига узук тақиб юарди ва агар бирор вилоятга номалар юборса, уларни муҳрлаб юборар эди. Бунинг сабаби шуки, Парвезга⁶⁸ муҳрсиз номалар келганда Парвез газабланиб, ҳатто мактубни ўқимай йиртиб ташлади ва муҳрламмаган нома кулоқсиз бошга ўхшайди, кулоқсиз бош эса жамоат орасида хунук кўринади, — деди. Нома муҳрсиз бўлса, уни хоҳлаган одам ўқиши мумкин,

муҳрланганда кимга юборилған бўлса ўша ўқийди. Хирадмандлар айтганларким, тифу қалам подшоҳ узугининг хизматкорлариридир, чунки салтанат шулар кучи билан забт этилган ва подшоҳликни шоҳ муҳри буйруғи билан барқарор қиласидилар, зеро у хоҳламаса улар бунга эриша олмайдилар.

Оlamda узукдан бошқа ҳар қандай безак бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Amмо ҳеч вақт узуксиз қолиб бўлмайди, чунки у бармоқнинг безагидир. Уни Оллоҳ таолонинг ягоналигини кўрсатадиган бармоққа тақадилар ва шу туфайли бармоқнинг безаги унинг устулигининг белгиси бўлади. Bu ўз истеъодини намоён қилиб улугларга яқинлашган баҳодирга ўхшайди, натижада улуғ унга марҳаматли бўлади ва уни дўстлари орасидан саралаб, белига олтин камар боғлайди ёки олтин тақинчоқ тақади, бу унинг истеъодини намоён қилганига мукофотдир. Узукларнинг хили кўп, аммо подноҳларга фақат икки хил қимматбаҳо тошли узуклар муносиб. Улардан бири — қуёшнинг зарраси ёқутдир. У қимматбаҳо тошларнинг подноҳидир, нурланиш унинг хислатидир, унга олов таъсир қилмайди, у олмосдан бошқа ҳамма тошларни кесади. Унинг хосиятларидан бири шуки, у чанқоқлик зарарининг олдини олади. Ҳикоя қилишларича, пайғамбар алаҳи-с-салом Мадинада бўлиб «ҳандақ жангига»⁶⁹ бошламоқчи бўлганда у ерда вабо тарқалган экан, аммо Мустафо алайҳи-с-саломда баҳоси икки минг динордан ортиқ ёқут бор эди. Бундай тошларнинг яна бири — ферузадир. Феруза машҳурдир, баҳоси қиммат ва қараганда кўзни қувонтиради. Унинг ёмон кўздан ва тушда қўрқишидан сақлайдиган хосиятлари бор. Узук тушларни йўйиш ва фол очиш каби кўп аломатларга эга, бу ҳақда кўп галирилган. Улар подшоҳларнинг ҳукмронлиги ва буюклигига, улугларнинг олийжаноблигига, ишдаги муваффақиятларига йўл очади.

ХИКОЯТ. Айтишларича, Искандар Румий дунёни айланиб чиққанига қадар жаҳонни забт этишини башорат этувчи турли тушлар кўрган экан. Улардан бирига кўра жумла жаҳон узук бўлиб бармоғига тақилган эмиш. Аммо бу узукнинг

тоши йўқ эди. Бу ҳақда Аристотелдан⁷⁰ сўраганида у айтдики, сен жаҳонни оласан, лекин ундан етарли даражада фойдалана олмайсан, чунки узук — мамлакатдир, тоши эса унинг султонидир.

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир кун Яэдижард Шаҳриёр сарой боғидаги тош ўриндиққа ўтирида ва бармоғига феруза кўзли узук тақди. Ногаҳ тир (ўқ) учеб келди ва узук тошига тегди, тош майдаланиб кетди, ўқ бўлса нарироққа учеб бориб ерга санчилди. Аммо ҳеч ким бу ўқнинг қаердан учеб келганини билмас эди. Қидириб ҳеч нарса топа олмадилар. У ғамгин бўлди ва бунинг сабабини ўйлай бошлади. У олим ва аъёпларидан сўраган эди, ҳеч бири тушунтириб бераолмади. Бу ҳақда озроқ билганлар эса айтишга журъат қилмас эдилар. Кўп вақт ўтмай ўлди ва унинг сулоласи туғади.

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Муҳаммад Амин амиру-л-мўминлигига⁷¹ боғда ҳовуз қирғогида ўтириб бармоғидаги қаҳрабо кўзли узукни айлантириб, мақол бўлиб кетган байтни ўқиди: «Биз иззатли эрларнинг бошини ёрамиз, зеро улар итоатсизроқ ва золимроқдирлар».⁷² У ўзига қарши бўлган Маъмунни кўзда тутган эди. Шу пайт канизагидан аччиғланиб уни узуги билан урди. Узукнинг тоши отилиб, тош ҳам, узук ҳам ҳовузга тушиб кетди. Қанча одам сувга шўнғиб қидирмасин ва ниҳоят ҳовуздан сувни қуритсалар ҳам тошни топа олмадилар. Тош ўрнига оқ тош кўзли узук топишди. Кўп вақт ўтмай бир кўзи кўр Тоҳир⁷³ келиб, у билан жанг қилди ва шу қасрнинг ўзида уни ўлдирди.

Биз узукларнинг аҳамияти ҳақида ҳикоя қилдик.

АРПА ВА УНИНГ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

Ажам подшоҳлари униб чиққан арпанинг яхши аломати бор деб ҳисоблаганлар, чунки арпанинг фойдаси кўп. У егулик бошқа ҳамма дон-

лардан тез пишади. У қирқ кун ичидә омбордан омборга тушади, дейдилар. Қаерга ташлама, у ҳамма ерда унади ва барча ўсимликлардан тезроқ кўкаради. Арпа дориликка ҳам, емакка ҳам ярайди. Донолар ва дарвешлар арпа билан кун кўрадилар. Айтишларича, уни еганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томирдан қон олишга ҳожат қолмайди. Яна у қон ва сафро касалликларининг олдини олади. Ироқ табиблари уни «ажаб қутлуғ дон» дейдилар. У маълум йигирма тўрт хил — куюк, зотулжанб, безгак, терлама, йўтал, иситма, силла қуриши, сил, қабзият ва сувчечак касалликларини даволашда фойдалидир. У мояк халтаси, бош, кўкрак, биқин, жигар ва қорин, суюк синиги, куюк, бўғин оғриги ва гижжага қарши дори сифатида фойдали. Арпа мойи сариқ қичимани, бугдой мойи эса қора қичимани йўқотади, агарда арпа кепагини қозонга солиб яхшилаб қайнатилса бу оёқ суяги кучсиз ва оёқда тик туролмайдиганларга жуда фойдали. Агар бирор одамнинг оёғи ва тиззасида чангак касали бўлса оёғини арпа сувига солиши зарур, шунда у тузалиб кетади. Бугдой кепаги ҳам худди шундай шифобахш. Боғдодда арпани қайнатиб суви ни силқитилади, сўнгра яна бир марта ёғ қолиб суви буғланиб кетгунча кунжут ёғи билан қайнатилади ва бу ёғ сариқ шишга сурилади, аёлларга эса, бачадон шиши касаллигини даволашга фойдали, бунинг учун пахтани (шу) ёққа булаб ичига қўйиш керак.⁷⁴ Айтадиларки, агар ой тутилган пайтда арпа сепиш мумкин бўлса, сепадилар, ундан қилинган нон телбаларга шифо бўлади. Агар арпа сепилаётган пайтда ой катталашиб, Зуҳрага қарама-қарши турса ва агар ориқ от шу арпани еса, у семиради. Йилнинг яхши ёки ёмон келиши арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўssa, бу йил серҳосил, агар қийишиқ ва яккам-дуккам ўssa, демак йил кам ҳосил бўлади. Ривоят борки, Расул алайҳи-с-салом «Нонлар ичидә энг яхши нон — арпа нони, ким унга қаноат қилса, у уни тўйдиради, чунки бу менинг ноним, барча пайғамбарларнинг нони», — деган экан. Мункайган чоллар арпа би-

лан фол очадилар ва яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақида хабар берадилар. Сеҳргарлар конун⁷⁵ ойида сўгалларни арпа билан сеҳр қилиб йўқотадилар. Фарвардин ойида айрим аёллар қизларига атаб арпани ток сувига ҳўллаб экадилар (?). Агар бошга арпа ёпилса, соч узун бўлади.

ҲИҚОЯТ. Эштишимча, кунлардан бир кун Хусравнинг отаси Ҳурмуз⁷⁶ арпа экилган дала олдидан ўтиб бораётган экан. Арпазор сугорилаётган бўлиб, тошиб кетган сув йўл устига оқиб чиқсан эди. Фарвардин эди. Арпа дони шарофатли, пояси эса қутлуғ деб, у ичиш учун бир кўзага сув тўлдириб олишни буорди. Арпазордан сизиб чиқсан сув чарчоқни камайтиради ва қорин оғригини тузатади, уни ичган одам кейинги йил арпа пишгунга қадар касалликлардан ҳамда чанқоқ азобидан ҳоли бўлади.

ҲИҚОЯТ. Кунлардан бир кун Шамс-ул-мулук Қобус Вушмагирга⁷⁷ бир одам сарой дарвозасидан яйдоқ от етаклаб кирганини ва уни ўз әкинзоримдан тутиб олдим, деганини хабар қилдилар. «Арпазорданми ёки буғдойзорданми?», деб сўради у. У одам «Арпазордан», деб жавоб берди. Шунда Шамс-ул-мулук Қобус Вушмагир от әгасини олиб келишни буорди ва ундан пишган арпа нархи қимматида жарима ундириб, агар дехқонлар арпани яхши бўлсин десалар, уни отга шу пайтда берсинглар, аммо биз от әгалари ўзгаларнинг әкинзорига отларни қўйиб юбормасинлар деб, адаб бермоқ учун жарима олдик, чунки арпа пайғамбарлар ва порсоларнинг овқатидир, зеро дин уларнинг ёрдамида қарор топади, яна арпа чорва емидир. Подшоҳлик эса шуларнинг ҳаммаси билан барқарор, дея ер әгасига ундирилган жаримани берди.

ҲИҚОЯТ. Айтишларича, одам алайҳи-с-салом буғдой еб қўйган ва шунинг учун уни беҳиштдан ҳайдаганлар. Изид таоло унга буғдойни овқат деб белгилади, аммо у, буғдойдан қанча емасин, тўймас эди. Шунинг учун у Изид таолодан илтижолар қилди ва у арпа юборди, ундан нон қилиб егач тўйди. Шундан кейин у агар яшил ва янги арпани кўрса яхшиликка йўярди. Шу са-

бабли Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврӯзда фойдали ва қуттуғ бўлгани учун арпадан баҳраманд бўлишни истар әдилар.

ҚИЛИЧ ВА УНИНГ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ ЗАРУР

Қилич мулк посбони ва миллат нигоҳбонидир. Бирон бир подшоҳлик қиличсиз барқарор бўлмайди, чунки фақат шу билан ҳукумат қонунларини ҳимоя қилиш мумкин. Кондан қазиб олинган биринчи маъдан темир бўлган, чунки у инсонлар учун энг зарур нарсалардан биридир. Ундан қурол ясаган биринчи одам Жамшид әди. Ҳар қандай қурол зарур ва яхши, аммо қиличдан яхшироқ ва зарурроқ нарса йўқ, чунки у ялтираши билан оловга ўхшайди ва у икки унсурдан иборатdir.⁷⁸ Зийраклар, темирсиз дунё закарсиз йигитта ўхшайди, дейдилар. Агар ақл билан қарасак, жаҳон ишлари қўрқинч ва умидга боғлиқлиги маълум бўлади, қўрқинч ва умид эса қиличга боғлиқ, чунки бир одам маъдан ёрдамида ўз умидини рўёбга чиқаришга интилади, бошқаси эса темирдан қочади ва бу қўрқинч унга посбон вазифасини ўтайди. Подшоҳлар бошига кийгизиладиган тож темир ёрдамида қўлга киритилади, подшоҳларнинг хазиналари ҳам темир кўмагида бойитилади. Изид таоло темирдан бошқа ҳамма жавҳарларнинг фойдасини одамларнинг расму русумига боғлиқ қилиб қўйган, чунки темир ҳар қандай ҳунар учун ишлатилади, у туфайли жаҳон ясаниб ва гуллаб яшнайди. Қиличнинг фазилатларидан энг афзали пайғамбар алайҳи-с-саломга уни фатҳ қуроли сифатида берилганлигидир. У «Мен шамшир билан юборилганиман», деган. Тавротда⁷⁹ уни ярап ҳомийси ва қилич соҳиби деганлар.⁸⁰ Одамлар орасида ҳам, ҳайвонот орасида ҳам энг юқори фазилат ҳисобланмиш шиҷоатнинг қуроли бўлгани учун қилич мўътабардир. Руҳни ўзининг душманларидан устун бўлишига имконият яратувчи ғазаб кучини шиҷоат деб атадилар. Айтишларича, шиҷоат ик-

тисобий (ўрганиладиган) эмас, табиий фазилатдир, лекин иктисоб билан ораста бўлади. Шижоатнинг хонаси жигар бўлади, чунки у қоннинг хонасидир. Шунинг учун қон тўкилган чогда шижоатли одам янада жасурроқ бўлиб кетади, негаки чироқ мой билан ёнгандай, киши шижоат билан ўт олади. Айтишларича, шижоат ва тириклик қувватининг фаоли (ҳаракатга келтирувчи) юракдир. Унинг мунфаили (ҳаракатга келувчи) эса жигарнинг табиий кучидир, чунки тош ва пўлатдан чиқадиган оловдай бу икки куч орқали шижоатнинг фазилати намоён бўлади ва уни ушлайман деган одам куяди. Агар юрак кучли бўлиб, жигар кучсиз бўлса, уларнинг соҳиби жанг бошланишда жасур ва довюрак, охирида эса бўшанг ва бепарво, агарда юрак кучсизу, жигар кучли бўлса, уларнинг соҳиби жанг бошланишида бўшанг ва бепарво, охирида эса — жасур ва довюрак бўлади. Буни ошқозон ва жигарда бўладиган ҳазм қуввати билан боғлаб мисол келтирадилар ва бу қувватнинг бўшлиги маишатни ёқимсиз ва bemaza қилгани каби, шижоат кучининг бўшлиги ҳам ҳаётни ёқимсиз ва bemaza этади, чунки бундай одам доимо қўрқиб, ҳамма нарсадан қочиб юради. Шижоатнинг тимсоли сифатида кучли бир ҳайвонни олиб, унинг бошини темир ғажиётган арслон бошига, оёғини тош майдалаётган фил оёғига, думини оғзидан олов пуркаб турган аждаҳо бошига ўхшатиб тасвиrlаганлар. Шижоатли одам жанг бошланишида жасорат ва ҳужумкорликда арслонга, жанг ўртасида сабри, салобати ва қуввати билан филга, жанг охирида эса газаби, азоб-уқубатга сабри ва қаҳри билан аждаҳога ўхшashi зарур, дейдилар. Биз шижоатнинг турларини айтиб ўтдик, унинг қуроли эса қилич ва у ўн тўрт хилдир: биринчиси — ямоний, иккинчиси — ҳиндий, учинчиси — фальий, тўртинчиси — сулаймоний, бешинчиси — наబий, олтинчиси — миррихий, еттинчиси — салмоний, саккизинчиси — муваллад, тўққизинчиси — баҳрий, ўнинчиси — дамашқий, ўн биринчиси — мисрий, ўн иккинчиси — ҳанақий, ўн учинчиси — нармоҳон, ўн тўртинчиси — қоражўрий⁸¹. Унинг

хиллари кўп, агар ҳаммасини эслатадиган бўлсак, гап ҳаддан ташқари чўзилиб кетади. Ямонийнинг яхши тури шундай бўладики, унинг жавҳари (мавти, жилоси) текис ва яшилранг, асоси қизгиш, тубига яқин жойида кетма-кет тушган кумушсимон оқ нишонлари бор. Буни кулоҳий дейдилар. Бошқа хили — нақшинкор. Нақшинкорлар тўрт навъ: биринчиси — нақшлари чуқур эмас, жавҳари худди чумоли оёғига ўхшаб ялтираб турланади. Яна бирининг нақшлари чуқур, жавҳари марваридга ўхшайди. Уни «луълувъ» деб атайдилар. Яна бири — нақш чизиқлари бирбири билан тўғри бурчак ҳосил қилиб кесишади; жавҳари баъзан эгрига ўхшайди. Тўртинчиси — оддий, озгина майда нақшлари бор, унинг узунлиги уч қарич, эни эса тўрт энлик, жавҳари қорамтири. Уни бўстоний дейдилар. Ямоний қилич оддий бўлади, узунлиги уч ярим қарич, эни — тўрт энлик ва оғирлиги икки ярим ман ёки ўн стири кам уч ман,⁸² Аристотель Искандарга тайёрлаб берган қиличининг таркиби бор. Шу ҳақда эслатиб ўтайлик, чунки бу тўғридаги гап жуда қизиқарли. Аристотель бир улуш мағнисиё*, бир улуш маржон ва бир улуш зангори олиб, буларнинг ҳаммасини яхшилаб эзид майдалаб, бирбирига аралаштиришни, сўнгра бир ман юмшоқ темир келтириб, бирин-кетин у билан қориширишни ва бу қоришмадан ўн икки уқия⁸³ олиб оловга қўйиб эритиши, қозон саргайгандан кеийин бир улуш ҳармал, бир улуш мози, бир улуш балут (эман уруғи), бир улуш садаф ва шуларнинг ҳаммаси қанча бўлса, шунча зуруҳ (ҳашаротнинг бир тури) қўшиб, майда туюб, аралаштиришни буюрди. Бу қоришмадан икки уқияни бир ман темирга қўшиб, улар бутунлай қўшилиб кетмагунча ва темир бу қоришмани сингдирмагунча оловда қизитилади. Сўнгра совутиб, шу таркибдаги қоришмадан қилич ясалади. Шунда қилич жуда тоза бўлади. «Баҳромнинг қурол ҳақидаги китоби»да⁸⁴ айтилишича, агар қилич ғилофдан чиқарилаётганда ингранса, бу қон тўкилишининг

* магнезий

аломати, агарда ғилофдан қиличнинг ўзи суғирилиб чиқса, бу уруш аломати, агар яланғоч қилични етти кунлик боланинг ёнига қўйилса, бола жасур бўлиб вояга етади.

ҮҚ ВА ЁЙ ҲАМДА УЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

Үқ ва ёй — зарур қурол, уни қўллаш яхши тарбиядан дарак беради. Пайғамбар алайҳи-с-салом буюрган: «Ўз ўғилларингизни отиш ва сузишга ўргатинг». Ёй ва ўқ ясаган биринчи одам Каюмарс бўлган. Унинг камони битта яхлит ёғочдан бўлиб, сұяклари йўқ эди ва пахта титувчи савағичга ўхшар эди. Унинг ўқи қамишдан бўлиб уч парли, бошоги сұякдан эди. Сўнгра Манучехр замонида, Ариш Баҳодон⁸⁵ келган пайтда у ҳам ёғоч, ҳам қамишдан беш бўлак қилиб камон ясади, бу беш бўлакни сириш (сирач) билан бирлаштириди, ўқининг бошоги темирдан бўлган. Тийрандозлик Баҳром Гўрга⁸⁶ келгаида, у ёйни сұякдан, ўқни эса тўртпарли қилиб ясади ва ёйни тўз⁸⁷ билан ўради. Ёйнинг шаклини фалак қисмларидан олганлар, чунки олимлар фалак доирасининг қисмларини қавс, яъни ёй деганлар.⁸⁸ Қавснинг бир учини иккинчи учи билан бирлаштирувчи тўғри чизиқ ватар, яъни кериш дейилади, фалак доирасининг марказидан чиқиб қавс кенглигининг ўртасидан ўтадиган чизиқни саҳм, яъни ўқ дейдилар. Айтишларича, кавкабларнинг таъсиридан ва борий таолонинг иродасину амри билан ерга юборилган яхшилик ва ёмонлик шу ватар ва қавслар орқали ўтиб, худди мерган қўлидаги ўқ кериш ва ёйдан ўтиб овга теккандек нишондаги инсонга қадалади. Бир томондан ёй одамга ҳам ўхшайди, чунки унда томирлар, асаб торлари, сұяк, тери ва гўшт бор, кериш эса унинг жони, чунки унга ўқ-ёйнинг ҳаёти боғлиқ. Агар ёй истеъдодли одамнинг қўлида бўлса, кериш ёрдамида ёй яшайверади. Дарҳақиқат, яхшилаб қарасанг, ёй инсоннинг кўкраги ва қўлига монандлигини кўрасан. Инсон керишни бир қўли билан тортгаида шу қўли эгилади, кўкрак ёйнинг

тутқичига, елка ёйнинг эгмасига, бармоқлари эса ёйнинг икки бурчагига ўхшайди. Энг баланд ёйнинг оғирлиги олти юз ман. Уни күшканжир⁸⁹ дейдилар. У қалъага мұлжалланган. Энг пасти — бир ман. У кичкина болалар учун ясалган. Түрт юздан икки юз мангача бўлган ёйлар чарх, икки юз элликдан юз мангача нимчарх ҳисобланади. Юздан олтмиш мангача баланд ёй ҳисобланади. Ёйнинг қувватига келсак, у кўп ёки кам бўлиши мумкин ва фалак қандай даража ҳисоби билан ўлчанса, шундай ўлчанади. Ҳар бир даража — олтмиш дақиқа ва у ёй бурчагидаги икки тугундан бошлаб то кериш тортиладиган жойгача ҳисобланади, сўнгра ўн олтигача иккиланиб кўтарилади, ҳар бир эгма уч бўлакка бўлинади. Тутқич марказ ҳисобланади, чунки у әгилмайди, ёйнинг бурчак ва эгмалари шу марказдан ҳисоб қилинади. Шундай қилиб, бурчакдан тушиб келадиган бу жойда бурчакдагидан икки баробар куч кўпроқдир, унинг сонлари ўн тўрт ва ўн олти, яъни ўттизга тент. Бу ёйнинг бир томони, иккичи томони ҳам ўттизга тент, ҳаммаси олтмиш. Ёйнинг икки эгмаси олти бўлакка бўлинди, чунки ёйнинг шакли ярим айланага ўхшайди, фалакнинг ярим айланаси ҳам олти буржга бўлинади. Чарх деб аталадиган ёйлар уч хил: баланд, паст ва ўртача; уларнинг ўқи ҳам уч хил: узун, калта ва ўртача. Узунлари — ўн беш тутам, ўртачаси — ўн тутам, калтаси — саккиз ярим тутам бўлади. Ҳар бир ёйга қанчадан ўқ кераклигини айтсан гап чўзилиб кетади. Биз бу ерда сергапликка интилаётганимиз йўқ. Ниятимиз ўқ-ёйнинг хислатларини ва Ажам подшоҳлари бу нарсаларни нега Наврўз пайтида талаб қилишларини тушунтиришдан иборат.

Юлдуз илмига суюниб тасдиқлашларича, ёй соқиблари, агар мерган бўлсалар ва камон отишга кўп вақт ажратсалар, ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмайдилар. Ҳар бир қўшиннинг галабаси учун лозим қурол ўқ бўлиб, ўқчилар бир бўлса, қўшин голиб бўлади. Бунинг тўғрилигига далил шуки, қуролнинг қисмати Қавс буржидадир. Қавснинг табиати ўтдир, Мұштарий ва унга бақамти Му-

салласи Ҳамал уйи унинг учун улуг саодатдир, Асад буржи Офтобнинг уйидир, Қавс буржининг фазилати эса шундаки, у Миррихнинг уйидир⁹⁰.

Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда, ўқ-ёйни билиш кўп томондан фойдали: у билан жисмоний машқулар қилиш мумкин, улар асаб ва аъзоларни кучли қиласи, бўғинларни юмшатиб, уларни фармонбар этади, ҳофизани ўткирлаширади, юракни бақувват этиб, фалажлик ва қалтироқликдан сақлайди.

ҲИКОЯТ. Сом Наримондан⁹¹ сўрадилар: «Эй, музaffer йўлбошчи, жанг безаги нимадир?» У жавоб берди: «Шарофатли шоҳнинг нури, оқил саркарданинг дониши ва совут кийган ҳамда камон билан жанг қила оладиган жангчидир».

ҲИКОЯТ. Айтишларича, кунлардан бир кун Баҳром Гўр ўз мураббийси Нўъмон Мунзир⁹² қошида бир камондан икки ўқ отди ва шу икки ўқ билан осмондаги иккита қушни урди. Нўъмон айтди: «Эй ўғлим, олам яратилгандан бери шу замонгача сендай ўқотар бўлмаган, бу дунё қанча турса-да, бўлмайди ҳам».

ҲИКОЯТ. Айтишларича, кунлардан бир кун бир донишманд одам ўғлига насиҳат қилиб деди: «Эй ўғлим, сен от ва камонни қадрла, аммо қалъа деворсиз ва қулфсиз бўлмаган». У сўради: «Эй падар, мен от ва камонни биламан, аммо «девор» ва «қулф» нимани англатади?» Отаси жавоб берди: «Девор — мубориз*, қулф эса совуттир, яъни, то иложи борича совутсиз юрганин».

ҲИКОЯТ. Сайф Зийазан⁹³ ҳикоя қиласи: Нўшинравон Эрон сипоҳсалорини Абраҳа Саббоҳни⁹⁴ отиб келишга юборганида, у уни отиб туюстидан йикитди ва сўнгра бундай деди: «Биродарлар, бу ёққа келинг. Мана бу шамол юбориб ажал қувиб жон олувчи тўғри ва эгрига қаранг. Бу ўқ ва ёйдир. Уларни ҳурмат қилинг, чунки улар қуролнинг донишманди, яқин ерда жанг қилмай, узоқдан туриб ўлдиради».

ҲИКОЯТ. Айтадиларки, кунлардан бир кун Нўшинравон Бобак Ориздан сўради: «Жанговар

* Мубориз — баҳодир, рицарь

одамлардан қайси бири машҳурроқ?» У жавоб берди: «Үқ ва ёй соҳиблари». Нўшинравон ҳайрон бўлди ва ўша одамлар қандай бўлишлари зарурлигини сўраб, бу фикр маъносини тушунтириб беришни талаб қилди. Бобак Ориз жавоб берди: «Улар шундай бўлишлари керакки, бутун баданлари — юрак, юракнинг ҳаммаси — қўл, қўллари — ёй ва бутун ёйлари — ўқ, ўқларнинг ҳаммаси эса душман юрагига қадалади». Нўшинравон сўради: «Бунинг маъносини қандай тушуниш керак?» У жавоб берди: «Буни шундай тушуниш керакки, уларнинг юраклари худди қўллари каби кучли ва бақувват, пайлари худди ёй каби равон ва мустаҳкам, ўқлари худди керишдай тўғри ва мувофиқ бўлиши зарур, агар шундай бўлса, улар ўқларининг жойини душман юрагида кўрадилар».

Үқ ва ёй ҳақида гап шудир.

ҚАЛАМ ВА УНИНГ ХОСИЯТЛАРИ ҲАМДА УНИНГ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

Донишмандлар қаламни мулк безаги ва қалб мактуби деганлар. Қаламсиз сўз бадансиз жонга ўхшайди ва сўз қалам билан бирлашгандан сўнг бадан қўшилиб абадий сақланади. У худди чақмоқ тош ва пўлатдан осонликча чиқмайдиган ва учқуидан дарҳол нурга айланмайдиган оловга ўхшайди. Халифа Маъмун айтганки: «Қаламга оллоҳнинг марҳамати бўлсин. Менинг бошим мамлакатни қаламсиз қандай идора қиласди? У, мукофот ва маошга интилмай иродага хизмат қиласди. Унинг оқлиги қоронгулаштиради, унинг қоралиги эса мунааввар этади».⁹⁶ Хатни муомалага киритган биринчи одам Тахмурас эди. Сухан фазилатга зга, аммо ёзиш иқтидоридан бебаҳра одам ярим одамга ўхшайди, чунки соҳибқаламлик фазилати юксак фазилатdir ва ҳеч қандай фазилат унга тенг келмайди. У инсонни инсон дараҷасидан фаришта даражасигача кўтаради, шайтонни эса шайтонлик даражасидан то инсонлик

даражасигача кўтаради. Соҳибқаламлик одамни паст поядан баланд пояга юксалтиради. Худди сухан фазилатига эга одамлар бошқа ҳайвоnlардан фарқланиб, уларнинг раҳбари бўлганлари дай, иншо этиш фазилатига эга одамлар ҳам олим, имом, фақиҳ ва мунший даражасига кўтарила-дилар. Оллоҳ таолонинг дини подшоҳ томонидан қалам ёрдамида барқарор этилади ва мамлакат тартибга келтирилади. Гарчанд баъзи одамлар Мустафо алайҳи-с-саломни оми ва буни унинг мўъжизаси эди, десалар ҳам у ёзувда ўзларини кўрсатган барча ёзувчилардан кўра ишни яхшироқ қилди ва билди. Олимлардан батзилари уни барча фанларнинг билимдони дейдилар. Аммо Изид таоло унга: буни ўзинг ёзма,— деди ва унга Изид таоло осмондан юборган барча саҳифаларни ўқиб туриб ёздиришни буюрди. Барча ваҳийлар ҳам қалам туфайли сақланиб қолган. Бу ишларни унинг воситаси билан амалга ошири-дилар ва қабул этдилар. Мулк одатлари, вилоятдаги қонун ва қондаларни унинг ёрдамида сақлайдилар ва тартибга келтирадилар. Ёзувнинг фазилати қўлни узук ва муҳр безаги билан бе-зади, чунки Ажам подшоҳлари кўрдиларки, қилич мамлакатни олди ва бошқариш асосла-рини қурди, қалам бўлса мулк тадбирини бел-гилаб бошқарув қонунларини сақлайди ва бу-ларнинг иккаласи ҳам истеъдодга боғлиқдир. Асосий туйғулар бешта: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис этиш — ва бу, бадан-даги жонга ўхшаган барча беш туйғунинг ўрни — бошдадир. Шунинг учун улар тож яса-дилар ва уни бошга кийгиздилар, исирға ясаб қу-лоққа тақдилар, билакузук ясаб қўлга тақдилар, узук ясадилар ва бармоққа тақдилар ва дедилар-ки, қилич қўлнинг фазилати ва кучи билан ҳа-ракат қиласи, шунинг учун билакузук шарафи зарур, қалам бўлса, бармоқнинг кучи ва истеъ-доди билан ҳаракат қиласи. Шунинг учун унга узук шарафини бердилар. У нома ёзиб яширин нарсаларни рақам қилган пайтда сотқину номат-лублар кўзидан йироқ қилиш учун устига муҳр қўйдилар. Улар хатни аввал яхшилаб ўрашни,

сўнгра муҳрлаб, муҳрни ғилоф билан беркитиши
буордилар. Бу билан уни бу дунё муҳрининг
номаси эканлигини таъкидладилар, чунки одам
еру кўкнинг яратувчисининг оятларига ёзилган
ва табиат ипи билан боғланган, дил узугининг
муҳри билан муҳрланган ва бошдаги ақлга таал-
луқли бўлган бу олам муҳрининг номасидир. До-
нолар кўринишидан ҳақир ва топилиши осон
бўлган қаламни асбоб ҳисобига киритдилар, аммо
асалари ва ипак қурти кўринишидан ҳақир бўл-
салар ҳам подшоҳларга фойдаси кўп бўлган қим-
матбаҳо ва ноёб нарсаларни бергани каби қалам
ёзган нарсасининг қадр ва натижаси ила қим-
матлидир. Бу асбобнинг уч хили бор: улардан
бири — ўта қийиқ ва унинг хати сиймий дейи-
лади, иккинчиси — тўғри ва унинг хати заррин
дейилади, учинчиси эса ўта қийиқ билан тўғри
орасида, унда ёзилгани луълуий дейилади. Ҳус-
нихат тўрт талабга жавоб бериши зарур: бирин-
чидан, ҳарфлар маълум катта-кичикликда бў-
лиши, иккинчидан, у маълум шаклда бўлиши,
учинчидан, у гўзал ва равон бўлиши керак, бу
қаламнинг ўткирлиги ва ҳатто қўлнинг маҳора-
тига боғлиқ. Тўртинчидан, ёзишда мутаносибли-
ка эътибор бериши керак; рони нун каби ва нунни
ро каби ёзмаслик керак. Вовнинг, қофнинг ва
фоннинг кўзлари иложи борича бир-биридан фарқ
қилмаслиги, бир хил катталика, ингичка ҳам,
кенг ҳам бўлмаслиги керак. Нун, қоф ва соднинг
чўзиқлиги ва лом, алифнинг узунлиги бир хил
бўлиши керак.⁹⁷ Бу қоидага риоя қилинганда,
агарда хат яхши бўлмаса ҳам у яхши, текис,
равон ва аниқ кўринади, олимлар бўлса, энг яхши
хат ўқилиши осон бўлади дейдилар. Ҳуснихат
учун учта яхши нарса даркор. Агар шу уч нар-
садан биттаси яхши бўлмаса, гарчи ҳаттот уста
бўлса ҳам, у ҳолда хат яхши бўлмайди. Бирин-
чиси — қалам, иккинчиси — сиёҳ, учинчиси — қо-
ғоз. Агар бирор киши ҳаттот қўлида ҳуснихат
ўрганса, у ҳолда у ёзган ҳарф ва сўзлар ҳеч қа-
чон ўз ҳолатини ўзгартирмайди, чунки ҳарфлар
ва сўзлар сони ҳақидаги қоидалар унинг юрагига
жойлашиб қолади. У қачон бирор нарса ёзмоқчи

бўлса, қўлини юраги ёрдамида йўналтиради, шу сабабдан хатни қандай ўргатган бўлсалар шундай чиқади, ҳарфлар ёки сўзлар камдан-кам ёмон бўлади. Ҳуснихат гўзал дейиладиган тўла юз ва баркамол қоматга, ёмон хат эса, бадбашара юз ва аъзолари бесёнақай қоматга ўхшайди.

ҲИКОЯТ. Шу маънода қалам фазилати ҳақида. Аждодларнинг ривоятларидан ўқиганимга қараганда, бир вақтлар бир амир форс ҳукмронига тиф билан элчи юборди ва унга айтдики: «Бу тифни ҳукмронга олиб бориб олдига қўй, лекин ҳеч нарса дема». Элчи борди ва шундай қилди. У ҳеч нарса демай тифни қўйганда ҳукмрон вазирга жавоб беришни буюрди, вазир бўлса, қаламдон қопқоғини очди-да, у томонга битта қалам отиб деди: «Мана жавоб». Элчи ақлли одам эди, унга қандай жавоб берганларини тушунди: «Қаламнинг мамлакатдаги ҳаққонийлик ва тартибсизликларга таъсири жуда кучли. Қалам соҳиби бўлган вакилларни қадрлаш зарур».

ҲИКОЯТ. Банио Ҳусравнинг⁹⁸ биродари Фаҳр уддавла Нишопурга қочганди. Соҳиб уни ўз мактубларида итоатсиз деб қаттиқ койир эди. У соҳибга ёзган эди: «Сенда тиф, менда бўлса қалам. Кўрамиз, қайси бири кучлироқ экан». Соҳиб унга жавоб ёзди: «Тиф кучлироқ, лекин қалам юксакроқ. Ўйлаб кўр — қайси бири афзалроқ». Фаҳр уддавла бу номани Шамс ул-маъюлийга кўрсади.⁹⁹ Қобус Вушмагир бу номага ёзиб қўйди: «Кимнинг кўнгли тўғри бўлса омонда, алдаб бўйин товласа шарманда».¹⁰⁰

ҲИКОЯТ. Эшитган эдимки, Эронда бир подшоҳ бўлиб, унинг шундай одати бор экан: у жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизиган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб жанг қилишини буюрар экан. Шундай бўлибдики, Туркистондан эллик мингга яқин катта қўшин келиб уруш хавфи туғилипти. Бу подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтиради. У жангни бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламни талаб қилиб, парча қоғозга: «айтинг,

қора либосли сипоҳлар қайтсинглар», деб ёзиб уни вазирга берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг сахтиён этигининг қўнжидан қаламдонни олиб сийаҳ сўзининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданд сўзига битта нун қўшиб, уни «нагардан» қилибди ва ўз қўшинига юборибди.¹⁰¹ Улар мактубни ўқиб чиққач олға юриб Туркистон сипоҳига шикаст етказибдилар. Шунинг учун «Сийар у-л-мулук»^{*}да¹⁰² бир нуқта билан эллик минг қилич тор-мор қилинган деб ёзилган.

Ироқ заминида қаламнинг ўн икки хили мавжуд: уларнинг ҳар бирининг ўз узунлиги, йўғонингичкалиги ва шакли бор. Ҳаттотлар уларнинг ҳар бирини буюк одамларнинг номлари билан атайдилар: бири муқлий — Ибн Муқла номида, бошқаси мухалхилий — Ибн Мухалхил номида, учинчиси муқаффаъий — Ибн Муқаффаъ номида, тўртинчиси — мухаллибий, бешинчиси меҳроний, олтинчиси амидий, еттинчиси — булфазлий, саккизинчиси — исмоилий, тўққизинчиси — саъидий, ўнинчиси — шамсий.¹⁰³ Буларнинг ҳар бирининг ўз қадри, ўлчови ва шакли бор, уларни таърифлаш ҳаддан ташқари сергаплик бўлур эди. Улардан бири — шамсийнинг таърифини келтирамиз. Бу қалам Шамсулмаъолий номи билан аталган. У гаров ёки Бағдод ёхуд Миср қамишидан ясалади. Шамс-ул-маъолий айтганки, девон котибларига қаттиқ қамиш зарур, чунки улар қаламни қитирлатиб ёзадилар. Уларнинг ёзуви аъло даражада. У яна айтганки, подшоҳларнинг қалами шундай бўлиши керакки, улар бармоқлари билан босиб ёзганларида қийналмасинлар, чунки подшоҳларнинг қоғозни тиззаларига қўйиши ва ёзиши учун котиблардай ўтириш тўғри бўлмайди. Улар чордона қуриб ўтиришлари¹⁰⁴ ва қоғозни муаллақ ушлаб туришлари зарур, уларнинг қалами узунлиги эса уч тутам бўлиши керак: икки тутам ўртасигача ва бир тутам — қаламнинг бош қисми, яхши ёзиш учун кўп ёзиш керак.

* Подшоҳлар ҳаётидан лавҳалар.

ОТ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАМДА ОТ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

Айтадиларки, тўрт оёқлилар ичидан отдан яхмиси йўқ, чунки у ўтловчи тўрт оёқлиларнинг подшоҳидир. Расул алайҳи-с-салом «Хайр йилқининг пешонасига ёзилган»,¹⁰⁵ — деган. Форслар отни «боджон» (елжон), румийлар «бодпой» (шамол оёқли), турклар «қутлуғ қадам» ва «бахтиёр этувчи», ҳиндлар «тахт-и равон», араблар ердаги Буроқ¹⁰⁶ деб атаганлар. Айтишларича, Қуёш гардунини кўтариб юрувчи фаришта¹⁰⁷ алус¹⁰⁸ деб аталувчи от суратида эмиш. Улуғлар от таърифида кўп гаплар айтганлар. Айтадиларки, Сулеймон алайҳи-с-салом олдига от келтирганиларида у: «Худо таолога шукронга бўлсинким, у менга икки шамолни бўйсундирди: бири жонли, иккинчиси — жонсиз. Бирининг ёрдамида мен ерда юраман, иккинчисининг ёрдамида эса — ҳавода» — деган экан. Афридундан сўрадилар: «Эй шоҳ! Нега сен отда юрмайсан?» У жавоб берди: «Яздонга етарли даражада миннатдорчилик билдиrolмайман, деб қўрқаман». Қайхусрав айтдики: «Менинг подшоҳлигимда отдан қийматлироқ нарса йўқ».

ҲИКОЯТ. Ҳусрав Парвезга Шабдез¹⁰⁹ деган отни миниш учун келтирдилар. У «Агар Яздоннинг одамдан яхшироқ қули бўлганида, у бизга оламни бермаган бўларди, агарда отдан яхши тўртоёқли бўлганида у отни миниб юрадиган жонивор қилмас эди», — деди. Сўнгра сўзини давом эттириб: «Шоҳ инсонлар йўлбошчиси, от эса — тўртоёқлилар йўлбошчисидир», деди. Ҳақ Субҳонаҳу ва таоло айтадики: «Менинг отни яратганим ибратимдир».¹¹⁰ Афросиёб¹¹¹ айтганки: «Эрга от андоғим, кўкка ой».¹¹² Улуғлар отни қадрлаш керак, чунки уни камситган одам душман қўлида камситилади, деганлар. Халифа Маъмун «От қандай яхши, у осмон-и гардон ва тахт-и равондир», деган. Амирулмўъминин Али ибн Абу Толиб¹¹³ разийа-л-лоҳу анху айтган: «Ҳақ таоло инсонни юксалтириш ва шайтонни паст қилиш учун отни яратган». Абдуллоҳ ибн

Тоҳир¹¹⁴ «Мен учун отга миниши фалак бўйнига минишдан афзалроқ», деган. Нўъмон Мунзир шундай деган: «От — тун одамларининг хисоридир ва агар от бўлмаса, ҳарбийларга жасур одамлар деган ном нолойиқ бўлур эди». Наср бин Сайёр¹¹⁵: «От — бу жанг тахти ва жанг қуролининг гулидир», — деган. Мұҳаллаб ибн Абу Суфр¹¹⁶ айтганки: «От — қилич ярқираганда қон ёмгирини ёғдирадиган булутdir».¹¹⁷ Тажрибадан маълум бўлган отларнинг хосиятлари, камчиликлари ва фазилатлари, яхши аломатлари ҳамда форсларнинг отларга қўйган баъзи бир номларини, эслатиб ўтамиш.

ФОРС ТИЛИДА ОТЛАРНИНГ НОМЛАРИ

Алус, чарма, сурх чарма, тозий чарма, ҳинг, бодҳинг, магасҳинг, сабзҳинг, песа кумайт, шабдез, хуршид, гўрсурх, зардрахш, сиёҳрахш, хурмогун, чашийна, шулак, песа, абрғун, хокранг, деза, беҳғун, майғун, бодравий, гулғун, аргувон, баҳорғун, обғун, нилғун, абркос, навбар, сапидзарда, бўрсар, бинафшагун, адбас, зогчашм, сабзпўст, сиймғун, аблак, сапад, саманд.¹¹⁸ Алусни таърифлайдиган бўлсак, бу от ҳақида айтадиларки, гўё у осмонда учади, жуда зийрак ва бошқа отларнинг дупирини узоқлардан эшитади. У жуда қаноатли, аммо совуққа чидамсиз. Бундай от эгаси бўлиш — баҳт, лекин у жуда нозик. Чарма ниҳоятда тез ва зийрак. Сиёҳчарм — баҳт келтиради. Кумайт қийинчиликларга чидамли. Шабдез — баҳт келтирувчи муборак от. Хуршид — баҳт келтиради, лекин тез эмас. Саманд — ишчан ва чидамли. Песа — эгасига дўст ва меҳрибон. Сапедзарда — подшоҳлар минишига ярайди. Песа кумайт — касалманд ва бадҳу.

Отларнинг кам учрайдиган ранг-баранг зотлари бор. Аристотель ўзининг ҳайвонот ҳақидағи китобида¹¹⁹ бу ҳақда эслатиб ўтади. Айтишларича, қушлар рангидаги, хусусан оқ от яхши ва эътиборга лойиқ. Унинг соҳиби жангда доимо зафар қозонади. Бундай отни подшоҳ минса яратади. Зарданинг кўзлари кулранг, ўзи қаҳрабо

рангида. Бургут сифат хингга ўхшаган, оқ ва сариқ нишондор ёки оқ оёқли қизғиши хинг ёки юзи ва оёқлари оқ кумайт рангли от — буларнинг ҳаммаси саодатманд ва фараҳбахшдирлар. Подшоҳларга қирғавул рангли ёки юзида катта оқ нишонли отлар ярашмайди. Отларнинг саодатманд нишонларини айтсак, улардан бирининг номи форсасига гурд дейилади. Бу саодатли ва фараҳлидир. Сариқ ва қизғиши (сурҳ) терили от совуққа чидамсиз. Расул алаҳиссалом, отларнинг ичидаги чопқири ашқардир, — деган. Амирулмүминин Али¹²⁰ разийаллоҳу анҳу энг жасур от — кумайт, энг қўрқмаси — тим қора, энг кучлиси ва хушхулқи — ҳинг, энг қобилиятилиси — саманд, деган. Ҳинг зотли отларнинг ичидаги мия тепаси, пешонаси, оёқлари, қорни, тумшуғи, мояги, дум ва кўзи — ҳаммаси қора бўлган ҳинг яхшидир. Булар зарур бўлгани учун китобда эслатиб ўтилди. Ўтган замонларда бошқа ҳеч қайси халқ отларни, уларнинг фазилат ва камчиликларини форсларчалик яхши билмаган, чунки ўша пайларда бутун жаҳон уларнинг қўйлостида эди ва Араб ва Ажамдаги ҳамма жойларда яхши отлар бўлса, уларга олиб келинар эди. Бугун ҳеч бир гуруҳ буни турклардан яхшироқ билмайди, чунки улар кеча-кундуз от билан шуғулланадилар ва жаҳон уларнинг қўлидадир.¹²¹

ЛОЧИН ВА ҮНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАМДА ҮНИНГ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК

Лочин подшоҳлар овлогининг улфатидир. У билан қувонадилар, уни севадилар. Лочиннинг хулқи ўзининг нозиклиги ва покизалиги билан подшоҳларнинг хулқига ўхшайди. Бурунгилар, худди тўрт оёқли гиёҳхўр ҳайвонларнинг подшоси — от, покиза гавҳарларнинг подшоси — ёқут, маъданлар подшоҳи — олтин бўлганидай, гўштхўр ҳайвонларнинг подшоҳи — лочин деганлар. Шунинг учун лочин бошқа одамларга қараганда подшоҳларга кўпроқ ярашади. Лочинда бошқа ҳайвонларда йўқ бўлган улуғворлик бор. Бургут

лочиндан катта, лекин унда лочиндей улугворлик йўқ. Подшоҳлар уни томоша қилишнинг яхши аломати бор дейишади. Лочин подшоҳ қўлига тез ўтириб, унинг юзига қараса, бу подшоҳ янги вилоят олишини билдиради, агар акси бўлса — аксинча бўлади. У кўтарилаётганда бошини эгит туриб кўтарса, подшоҳлик ишларида таназзул бўлишини билдиради, овни тутиб, қийқириб қайтса, қўшинда ғалаён бўлишини билдиради. Агар кўтарилиш пайтида овни ола олмаса, зарар кўрилишини билдиради. Агар у ўнг кўзи билан осмонга қараса, подшоҳлик ишлари юксалади. Агар чап кўзи билан қараса, зарар бўлади. Агар у ерга узоқ қараб қолса, машғулликни билдиради. Лочин овлоқда бошқа лочин билан жанг қиласа, янги душман пайдо бўлади.

ЛОЧИН ТАНЛАШ ҲАҚИДА

Унинг хиллари кўп, лекин оқиш, сарғиш, қизғиши ёки сап-сариги яхвисидир. Оқиши овга ҳарис, лекин у касалманд ва бадхўрдир. Сариги оқишдан кейин овга энг ҳариси ва соғломи. Қизғиши бу иккисига қараганда соғлом, лекин у бадхўрдир. Унинг жуссаси уларникидан каттароқ. Мен бир замондошимиздан эштишимга кўра, ҳеч ким лочинни Моҳонмоҳ Вушмагирдан яхши билмас экан, чунки у йил ўн икки ой ов қилар экан. Сипоҳсолар бўлган Али Қамаҳ лочинни яхши билар эди, лекин кўпчиликнинг таъкидлашicha, ҳеч ким Моҳонмоҳдан яхшироқ билмас экан. Унинг тоғликлар тилида (ба забони кўҳий)¹²² «Лочин» номли китоби бор. У катта тасниф. Унинг айтишича, бир хил рангдаги ҳамма ҳайвонлар ола-була ва аралашган зотларидан яхшироқ, аммо лочин танлашда пайлари қаттиқ, юмaloқ ва миқти, қомати келишганини олиш зарур. Масалан, боши кичкина ва калта, пешонаси кенг ва кўзи, кекирдаги катта, сийнаси кенг ва әгилган, сонлари ва думи йўғон, сон пайлари қаттиқ, болдири йўғон, юмaloқ, калта, панжалари бақувват, чангали қора, оёғи сабзранг бўлиши зарур. Бундай сифатлари бор лочинлар

одатда оқиши, сап-сариқ ёки қип-қизил бўлиб ҳам учрайди. У жуда қиммат туради.

ҲИКОЯТ. Айтадиларки, Моҳон улуғ подшоҳ, доно ва баркамол бўлган. Бир куни у қўлига лочин қўндириб, сув ичаётган қушбонини кўриб қолди. Уни юз калтак уриб жазолашни буюриб айтдики: «Қизиқ иш! Лочин — бу қушлар шоҳи, подшоҳлар қўлидаги энг азиз ва муҳтарам нарса. Не бўлдики, сен бундай одобсизлик қилдинг? Подшоҳлар эъзозлаган нарса қўлингдаю, сен бўлса сув ёки бошқа бирор нарса ичмоқдасан». Қушбон деди: «Худовандо умрингни узун қилсин, агар чанқаб қолсам ва қўлимда лочин бўлса, нима қиласай?» У жавоб берди: «Бу ишга лаёқатли одамга бер. У лочинни ушлаб туради, сен бўлса сувми ёки бирор бошқа нарсаними ичиб ҳожатингни чиқар».

ҲИКОЯТ. Эшитган әдимки, Абу Абдуллоҳ Хатиб Фаҳр уддавланинг биродари амир Абул-Аббоснинг мураббийси бўлган экан. У дераза олдига ўтириди, ўсмир бўлган амир Абус-Аббос пастда унинг олдида турар эди. Бир хизматкор қўлига лочин қўндириган эди. Абул-Аббос бу лочинни олиб қўлига қўндириди ва шу заҳоти туфлаб юборди. Сўнгра Абдуллоҳ Хатиб олдига келганда у маломат қилиб, ҳўмрайиб деди: «Агар сен ёш бола бўлмай ва одоб ўрганмаган бўлганингда, мен сенинг шундай таъзириингни берардимки, дод деб юборар эдинг». Сўнгра «Ажабо! Сен малик ва маликзодасан, у шоҳлар томонидан азиз кўрилган нарса қўлингда бўлатуриб одобсизлик қилдинг, туфурдинг», деди. Шундай деб кавушини олди-да, хизматкорнинг бўйнига бир неча марта урди ва: «Нега сизлар шаҳзодаларга бундай тарбия берасизлар, ҳатто одобсизликка йўл қўядилар, қўлларида лочин бўлса ҳам туфурдилар», — деди.

МАЙНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

Ҳакимлар Жолинус¹²³, Суқрот ва Буқрот (Гиппократ)¹²⁴, Абу Али ибн Сино¹²⁵, Муҳаммад Закариё¹²⁶; (Бахтишу ва Собит-и Курро)¹²⁷ айтганилар-

ки, инсон тани учун майдан фойдалироқ нарса йўқ, хусусан, узумдан қилинган, талх ва сузук мусаллас фойдали. У ғамдан фориғ қилади, қалбни қувонтиради, семиртиради, қуюқ овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради, дудоқларни қизартиради, терини тозалаб оқартиради, эсни ўткirlаштиради, хасисни сахий, қўрқоқни жасур қилади ва касалликларни камайтиради. Май ичадиган одам одатда соғлом бўлади, чунки иситма касалликлар шилимшиқ ва заарли хилтдан бўлади ва кўп май ичган одамларда бу кам учрайди. Ич ўтган пайтда қоринда ёмон хилтлар йифилишига йўл қўймайди. Баъзи зийрак одамлар майни ҳақиқий инсонийлик маҳаги* дейишади. Баъзилар уни идрок танқидчиси, баъзилар — билим мезони, баъзилар қобилият кўзгуси дейдилар. Улуғлар майни ғамдан аритувчи, баъзилар эса ғам келтирувчи дейишади. Кимда-ким беш жом майи ноб ичса ўзидаги яхшилик ва ёмонликни, яъни ўзининг маънавиятини кўрсатади. У нотанишни дўст қилади ва дўстликни кучайтиради, шу билан бирга у дўстларни бир даврага йигади. Май жуда хуштаъб нарса: дунёдаги барча ейиладиган нарсалар, хоҳ ёғлик, ширинлик, хэҳи нордон бўлсин, уни тўйгандан сўнг еб бўлмайди, агар ортиқча ейиладиган бўлса одам табиатига тўғри келмай, кўнгил айнитади, майни эса қанча кўп ичсанг, шунча ичгинг келади. Инсон унга тўймайди ва одам табиатига у зид эмас, чунки у ичимликлар шоҳидир. Жаннатда неъматлар кўп, лекин май жаннатнинг энг аъло неъматидир, агар шундай бўлмаганда Изид, икки жаҳон неъмати тасарруфида бўлса ҳам уни олмаган бўларди. Ўзининг доно китобида эслатганидай: «Уларнинг ҳожаси уларга тоза май ичирди», бошқа бир жойда эса у айтдики: «У инсонларга фойдали, лекин унинг гуноҳи фойдасидан кўпроқ». ¹²⁸ Унда одамлар учун фойдали жиҳатлар кўп, лекин унинг гуноҳи фойдасидан кўпроқ. Доно одам шундай ичиши зарурки, унинг таъби гуноҳидан кўпроқ бўлсин, қийналмаслик

* махак — қимматбаҳо тошларни синайдиган тош (тарж.)

учун у ўз руҳиятини шундай тарбиялайдики, ичишни бошлаганидан то тугатгунгача унда на сўзларида ва на хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай қўполлик ва ёмонлик намоён бўлмайди, фақат яхшилик ва қувноқлик бўлади. У шу даражага (мақомга) етганидагина май ичиши мумкин. Майнинг афзалликлари бисёр. Ҳозир биз майнинг фойда ва заарлари ҳақида ҳамда Жолинус, ибн Закариё Розий, ҳожа Абу Али ибн Сино ва бошқа буюк шифокорларнинг сўзларига асосланиб, бу заарларни бартараф қилиш ҳақида батафсил эслатиб ўтамиш.

Сархуш майнинг фойдаси: у овқатни ҳазм қилишга ёрдам беради ва асосий ҳароратни, яъни табиий ҳароратни кўтаради. У баданни бақувват қилади ва сийдик, тер ва буг ёрдамида уни тозалайди. **Унинг зарари:** эҳтироси жуда кучли болалар учун у тўғри келмайди. **Унинг зарарини йўқотиши:** агар эҳтироси кучли одамлар уни ичмоқчи бўлсалар, сув ва гулоб қўшиш керак, шунда безарап. Вассалом.

Суюқ оқ майнинг фойдаси: у кўп овқат талаб этмайди ва кучли эҳтиросли одамлар ичса бўлади. У сийдик ёрдамида аста-секин сафрони йўқотади. **Унинг зарари:** у қора сафроси бор одамларнинг қорнини дам этади ва бўғинларни оғритади. **Унинг зарарини йўқотиши:** оқ хўрда ичилади,¹²⁹ газак ва қуритилган кабоб ейилади. Шунда у безарап ва фойдали.

Суюқ, лойқа майнинг фойдаси: Агар у яхши бўлса, у ҳолда мусалласлар ичиди маъқулдир ва ўртача эҳтиросли одамларга тўғри келади. **Унинг зарари:** кучли эҳтиросли одамларга заарли. **Унинг зарарини йўқотиши:** сув ва гулоб қўшиб ичилгандан сўнг анор сувидан хўпланади. Шунда у безарап.

Талх, лойқа майнинг фойдаси: у дамликни ҳамда лоқайдликни йўқотади ва ошқозондаги оғриқни тузатади. У қорин оғриганда фойдали. (**Унинг зарари:** у кучли эҳтиросли одамларга бош оғриганда ва жигар шамоллаганда заарлидир).¹³⁰ **Унинг зарарини йўқотиши:** уни сув қўшиб ичиш

керак, нордон овқат ейилади ва газагига нордон мевалар истеъмол қилинади. Шунда безарап.

Райхоний майнинг фойдаси: у юракни бақувват қиласи ва қориндаги дамликдан халос этади, касалликлардан пайдо бўладиган безгак пайтида фойдали. **Унинг зарари:** у кўзни ва бошни оғритади, тез сархуш этади. **Унинг зарарини йўқотиш:** гулоб ва бинафша ёрдам беради ва нордон мевалардан газак қилинади.

Янги солинган мусалласининг фойдаси: у танада қонни кўпайтиради ва томирларни бўрттиради, унинг буғлари сархуш этади. **Унинг зарари:** намлиги кўп одамларга ярамайди — уларнинг қорни тез-тез дам бўлади, баданлари суюқликка тўла. **Унинг зарарини йўқотиш:** масаллиқ қўшилган, қуритилган қовурма ейилади, газак учун қуритилган мевалар яхши.

(Узоқ сақланган мусалласининг фойдаси)¹³¹: у совуқкон ва қорни дам бўладиган одамлар учун яхши. У ошқозонни ва жигар ўтини даволашга ярайди: **Унинг зарари:** у қотма, озғин ва жиккак одамлар учун заарли. **Унинг зарарини йўқотиш:** сув билан қўшиш керак, арпадан ёвгон хўрда ичилади. Совуқ овқат ва янги мевалар заарли.

(Тоза мусалласининг фойдаси*.: ошқозон ва қоринга мақбул, қориндаги дамни йўқотади, бош ва кўз оғриғини енгиллаштиради. **Унинг зарари:** Бу мусаллас бошга тез таъсир қиласи. **Унинг зарарини йўқотиш:** бадан қанча хоҳласа, шунча ичиш керак).¹³²

Аралашган ва сузгичдан ўтказилган мусаллас: у сармаст бўлиб, қолган ва боши оғриётгандарга яхши ва эҳтироси кучли одамларга маъқул. **Унинг зарари:** у ошқозонда газлар пайдо қиласи, бўғинларни оғритади ва ошқозон ҳамда жигарни совутади. **Унинг зарарини йўқотиш:** қайнатма шўрва, қовурилган гўшт, дориворли газак ва қуритилган мевадан газак қилиш зарур.

Нордон мусаллас: ошқозони ва жигари иссиқликка мойил одамларга маъқул. **Унинг зарари:** у яқинлашиш истагини йўқотади ва ёғни бўшашти-

* Майи ноб.

ради. Унинг зарарини йўқотиш: тоза, оппоқ қайнатма шўрва, ҳолва ва ширинликларни истеъмол қилиш ёрдамида безарарадир.

Қуёшда етилтирилган мусаллас: энг хушхўр ва ҳазми осон мусаллас. Унинг зарари: у қонни тез бузади. Унинг зарарини йўқотиш: сирка ва зирк қўшилган шўрва, анор солинган шўрва, рабоч ва анордан газак; сирка — асалли шарбат ичсинлар, шунда безарар.

Мавиздан қилинган мусаллас¹³³: Агар уни сузуб олинса, аралашган мусалласга ўхшайди. У енгил майга яқин ва кучли эҳтирослиларга маъқул бўлади. Унинг зарари: агар у лойқа бўлса, қора мусалласга ўхшайди, ёмон ҳазм бўлади, қора сафрони қўзғайди, қоринни дам қилади, қоринни шишириб, жигар томирларини ифлослаштиради. Унинг зарарини йўқотиш: сирка-асалли шарбат, сачратқи* солинган сув, бодринг уруглари.

Хурмодан қилинган мусаллас. Агар янги бўлса, у семиртиради ва қонни кўпайтиради. Унинг зарари: у қуюқ ва ёмон ҳазм бўлади, жигар томирларини ифлослаштиради ва қора сафрони қўзғатади. Унинг зарарини йўқотиш: анордан қилинган мусаллас ва сирка асалли шарбат ичилади, шу билан бирга қора сафрони йўқотадиган дориларни ҳам ишлатилади.

Бу ҳақда батафсил гапирилди, етар¹³⁴. Ҳозир узум қаердан пайдо бўлганлигини ва мусалласни қандай билганларини аниқлайлик.

Мусалласнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳикоят. Тарихда ёзилгани бўйича, Ҳиротда бекиёс хазиналару бойликлар ва беҳисоб сипоҳийларга эга қудратли подшоҳ бўлган. Бутун Хурсон унинг ҳукими остида экан. У Жамшид авлодидан бўлиб, Шомирон¹³⁵ деб аташар эди. Шу пайтларгача сақланиб қолган Ҳиротдаги Шомирон қалъасини ўша қурган эди. Унинг Бодом исмли жуда жасур, довюрак ва кучли ўғли бор эди. Ўша пайтларда унга бас келадиган мерган (тийрандоз) бўлмаган. Кунлардан бир кун Шомирон дераза олдида ўтири-

* цикорий — ўсимлик

ган эди, барча тўралар унинг қаршисида тик турардилар, ўғли Бодом эса отасининг ёнида эди. Бирдан хумо¹³⁶ қуши пайдо бўлиб, қийқириб тахт олдига тушди ва ерга ўтириди. Шоҳ Шомирон унга қаради ва хумонинг бўйнига илон чирмашиб олганини, у хумони чақишга интилаётганини кўриб қолди. Шоҳ Шомирон: «Эй инсонлар, арслонларим! Ким илонни бир ўқ билан уриб, бу хумони қутқара олади?» деб мурожаат қилди. «Эй шоҳим, бу қулингнинг юмушидир», — деди Бодом. У шундай отдики, хумога ҳеч зарар етказмай илоннинг бошини ерга қадаб қўйди. Хумо қутқарилганди, у бир оз парвоз қилиб айланди-да, учеб кетди. Кейинги йилнинг худди ўша куни шоҳ Шомирон яна тўралар билан дераза олдида ўтирипар эди. Ўша хумо яна пайдо бўлди ва уларнинг боши узра айланниб парвоз этди-да, илон ўлдирилган ерга қўнди. У тумшуғидан ниманидир ерга ташлади ва бир неча марта қийқириб, учеб кетди. Шоҳ қарасаки, бу ўша хумо ва халққа хитоб қилди: «Бу ўша биз илондан қутқарган хумо. Бу йил бизни тақдирлаб совға олиб келган, қаранг, у тумшуғи билан ерга уряпти. Бориб кўринглар ва топган нарсангизни олиб келинглар». Икки-уч одам бориб, ерда ётган икки-уч дона уруғни топишиди. Улар уруғларни олиб шоҳ Шомирон тахти олдига қўйишиди. Шоҳ қараб, қаттиқ уруғларни кўрди. У олимлар ҳамда зийрак одамларни чаларни бизга хумо совға қилган. Сиз бунда қандай ларни бизга хумо совға қилган. Биз бунда қандай аломат кўрасиз ва уларни биз нима қилишимиз керак?» Уларнинг ҳаммаси бир оғиздан экиш кераклигини ва йил охиригача қўриқлаб, нима бўлишини кузатиш зарурлигини айтдилар. Сўнгра шоҳ уруғларни бօғбонга берди ва: «Бир чеккага экиб қўй ва тўрт оёқлилар босиб кетмаслиги учун ўраб иҳота қил, қушлардан қўриқла, вақт-вақти билан бизга ўсишини кўреатиб тур», — деди. Бօғбон худди шундай қилди. Наврўз ойи эди. Бир қанча вақт ўтди. Бу уруғлардан ниҳол ўсиб чиҳди. Бօғбон подшоҳга бу воқеани айтиб берди. Шоҳ тўралар ва олимлар билан ниҳол олдига келди. Ҳаммалари: «Биз бундай ниҳол ва баргларни кўр-

маганмиз», — дедилар. Сўнгра улар қайтиб кетдилар. Яна вақт ўтиб ниҳолнинг шохлари кўпайди, барглари катталашди ва токнинг тупида ковулга* ўхшаган узум бошлари осилиб турарди. Богон подшоҳнинг олдига келиб, боғдаги ҳеч қайси да-дахт узумчалик ёйилиб ўсмаганлигини айтди. Подшоҳ олимлар билан иккинчи марта бу дарахтни томоша қилгани келди. У ниҳолнинг зангга айланганини ва унда узум бошлари осилиб турганини кўрди. У ҳайратланиб, бошқа дарахтларнинг меваси пишмагунча кутиб туриш кераклигини ва ўшанда бу дарахтнинг меваси қандай бўлишини билиш мумкинлигини изҳор қилди. Узум бошлари катталалиб, мевалари етилганда ҳеч ким ундан тотиб кўришга ботинмади. Сўнгра куз келиб олма, нок, шафтолу, анор ва бошқа мевалар пишиб етилди. Подшоҳ яна боққа келди. У келиндай ясанган ток дарахтини кўрди. Узум меваси етилиб, кўм-кўкликтан қорага айланган ва ақиқдай ялтираб турар ва доналари узилиб тушардилар. Ҳамма олимлар бир овоздан бу мевалар дарахт мевалари ва бу баркамол дарахт, узум доналарининг тўкилаётгани эса уларда фойдали шарбат борлигини билдиради, бу шарбатни олиб, хумга қўйиб, сақлаб қўйиш керак, нима бўлар экан, дедилар. Ҳеч ким меваларни олиб еб кўришга журъат қилмади. Бу мевалар ўлдирадиган заҳар деб қўрқдилар. Шу боғнинг ўзига хум олиб келиб, унга узумни эзиз, ундан оққан шарбат билан тўлдириб қўйдилар. Подшоҳ боғбонга буюрди: «Нима кўрсанг хабар бер». Сўнгра қайтдилар. Узум суви хумда қайнай бошлаганда боғбон подшоҳ олдига келиб деди: «Бу шарбат оловсиз, қозонда сув қайнагандай қайнайяпти. Ундан нимадир чиқмоқда». Подшоҳ деди: «У тинчиганда менга айт». Бир куни боғбон унинг мусаффо ва тозаланиб қолганини, лаъл каби ялтираб турганини ва тинчланиб қолганини кўрди. Дарҳол подшоҳга хабар берди. Подшоҳ ва олимлар келишиб, унинг мусаффолиги, рангининг тозалигага ҳайрон бўлиб, бундай де-йишиди: «Бу дарахтнинг мақсад ва фойдаси —

* ўсимлик

шунда. Аммо биз бунинг заҳарлими ёки шифобахш эканлигини билмаймиз». Сўнгра улар зиндандан бир қотилни олиб келиб, унга бир жомди ичираб кўриш ва нима бўлишини кузатишни маслаҳат қилишди. У озроқ ичиб кўриб, ҳўмрайиб олди. Сўрадилар: «Яна ичасанми?» У деди: «Ҳа». Унга бошқа жом тутишди. У курсанд бўлиб ашула айта бошлади, турли қилиқлар қилди, подшоҳнинг улуғворлиги унга ҳеч гап бўлмай қолди. У деди: «Менга яна бир жом берингларда, сўнг нима қилсангиз, қилаверинг, одамлар ўлиш учун туғилганлар». Унга учинчи жомни беришди. У ичиб олди, боши айланди ва ухлаб қолиб, эртасигача уйғонмади. Уйғонганда уни подшоҳнинг олдига олиб келдилар ва кеча нима ичганини ҳамда ўзини қандай ҳис этганини сўрашди. «Нима ичганимни билмадим, аммо жуда яхши бўлди. Агар мен бугун ҳам ўшандан яна уч жомгина топиб олсам эди! Биринчи жомни зўрга ичдим, чунки аччиқ мазаси бор, лекин у ошқозонимга тушгандан кейин, табиатим яна хоҳлаб қолди. Иккинчи жомни ичганимда эса, мени қувонч ва курсандчилик шундай чулгаб олдики, кўзимдан уят йўқолиб, олам ўйинчоқ бўлиб қолди. Подшоҳ билан мени ҳеч фарқим йўқ, деб ўйладим ва олам ғамини унудим. Учинчи жомни ичганимдан кейин маза қилиб ухлабман», деб жавоб берди. Подшоҳ унинг гуноҳини кечирди. Барча олимлар бир овоздан майдан яхшироқ ва афзалроқ ҳеч нарса йўқ, чунки бошқа бирор овқат ва мевада мусалласдаги хислат ва фазилатлар бўлмаган деб хулоса чиқардилар. Шундай қилиб, подшоҳ Шомирон май ичишга ўрганди. У базмни одатга киритди ва шундан бери майхўрлик пайтида руд¹³⁷ чалиб қўшиқ айтишди. Узум уруғи сепилган ўша боғ ҳозир ҳам сақланиб қолган ва уни Хиравза деб аташади. У шаҳарга киравериш жойда. Айтадиларки, узум кўчати бутун дунёга Ҳиротдан тарқалган ва ҳеч бир шаҳар ё ўлкада Ҳиротдагичалик узум кўп эмас.

Одамлар узумнинг юздан ортиқ навини ҳисоблаб чиққанлар. Майнинг афзалликлари кўп.

ГЎЗАЛ ЮЗ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА СҮЗ

Олимлар гўзал юзни бир саодат деб биладилар ва ундан баҳраманд бўлишни яхши аломат деб ҳисоблайдилар. Чиройли юзни кўриб, ундан баҳраманд бўлиш инсон ҳолатига осмонда юлдузларнинг бахтли жойлашишидай таъсир этади, дейишади. У худди муаттар нарсалар билан сандиқقا солиб қўйилган кийимга ўхшайди: бу хуш бўйни одамларга ўша муаттар нарсаларсиз ҳам беради. У, қўёшнинг ўзи бўлмаса ҳам унинг сувдаги аксига ўхшайди, чунки одамларнинг юзларидағи гўзаллик Изид таолонинг буйруги билан инсонларга етиб келадиган саодат юлдузлари таъсирининг бир қисмидир. Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қиласи, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахши этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёга саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори дараҷаси бўлади. Агар одам ҳам ташқи кўринишдан, ҳам табиати билан яхши бўлса, худо ва одамлар учун севимлидир. Гўзал юз тўрт фазилатга эгадир. Улардан бири шуки, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчиси, ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қиласи, учинчиси, у одамни очиқ кўнгилли ва олийжаноб этади, тўртинчиси бойликни кўпайтиради ва юқори мансаб ато қиласи.

Агар бирор одам тонг чоғида гўзал юзни кўриб қувонган бўлса, бу унинг баҳтлилигидан далолат беради ва шу куни у фақат хурсандчилик кўради. Инсон гўзал юзли одам билан ёнмаён ўлтиrsa, унинг учун ҳаёт қувноқ бўлади, гам кетади ва ишлари ривож топади. Бирор одам, ҳаттоқи у довюрак бўлмаса ҳам ва ўзи тубан бўлса ҳам, агар гўзал юзли одамни кўрса, унда довюраклик ва олийжаноблик туйгулари уйгонади. Одамлар гўзал юзли одамни кўрганларида унга

меңр ва қурмат билан қарайдилар, чунки гүзалик ҳаёт гаштини суришнинг хайрли неъматидир. Айтишларича, гүзал юз чолни яшартиради, ёшни болага, болани эса фариштага айлантиради. Расул алайҳиссалом айтганки: «Гүзал юзли одамлардан ўзингизга зарур бўлган ҳамма нарсани талаб қилинг». Ҳар ким ўзи учун гүзал юзнинг қандай бўлишини белгилаб олади ва унга ном қўяди. Баъзилар уни муҳаббат майдони, баъзилар шодҳурамлик дашти, мулоқот боғи, мавжудот безаги ва беҳишт белгиси дейдилар. Олимлар ва файла-суфлар айтадиларки, гүзал юз оламнинг оллоҳ таоло томонидан яратилганига исбот ва илм ўрганиш зарурлигига далолатдир. Гүзал юз яратувчининг асариidir ва унинг моҳияти эзгулигини на-моён қиласи. Табиийлар¹³⁸ айтишларича, ҳар бир нарсада ортиқлик, камлик ва мутаносиблик бор ва ягона тартиб мутаносиблик орқали шундай ту-зиладики, агар эътибор берсангиз ҳар жиҳатдан мутаносиб бўлган чеҳранинг суврати баркамолдир; бу жаҳон мувозанат билан барпо этилган ва у туфайли гуллаб-яшнайди. Тансуху-л-арвоҳ¹³⁹ (руҳ кўчиб ўтиши) тарафдорларининг айтишларича, чеҳра яратганинг ардоқли тўни, қулининг олдинги ҳаётидаги пок ва хайрли ишларининг мукофотидир. Яратганинг ўзи нури билан унга чеҳра ато қиласи. Илм соҳибларининг сўзларига қараганда юз, тажаллий-и шамъ, шамъни ёритувчиidir. Баъзилар уни бошдаги гулчамбар, илм богини яшнатувчи ва қарилик дарахтини гуллата-диган марҳамат ёмғири дейдилар. Баъзилар уни издошларга ҳақиқатни кўрсатувчи ва шу ҳақиқат ёрдамида ҳаққа қайтишларини таъминловчи ҳақ белгиси дейдилар. Гүзал чеҳра ҳақида кўп ёзилган, агар биз ҳаммасини эслатсак гап ҳаддан ташқари кўпайиб кетади. Энди Абдуллоҳ Тоҳир ҳақидаги ҳикоятни келтирамиз.

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Абдуллоҳ Тоҳир¹⁴⁰ ўз қўшинидаги сипоҳдорларидан бирини қамаб қўйди. Кўп одамларнинг илтимосларига қарамай, уни маҳбусликда сақлар эди. Охири ҳамма уми-дини узди. Бу сипоҳдорнинг ширинсухан каниза-ги бор эди. У арзнома ёзди ва Абдуллоҳ Тоҳир

ҳакамлик мажлисини бошлаган куни паранжи ёпиниб, унинг олдига келди ва арзномасини топшириб, деди: «Эй амир, кечиргил, чунки топган — беради, қўлидан келган — кечиради»¹⁴¹. Абдуллоҳ: «Канизак, хожангнинг гуноҳи уни кечиришга бўлган умиддан каттароқдир», — деди. Канизак айтдики: «Эй амир, менинг ҳомийим сенинг қаршингда турибди. У, уни инкор қилишдан зўрроқдир». Амир сўради: «Сенинг ҳомийингнинг ўзи нима?» Шунда канизак қўли билан чачвонини кўтарди ва юзини кўрсатиб: «Мана менинг ҳомийим!» деди. Абдуллоҳ канизакнинг юзини кўргач, кулимсираб, бундай деди: «Сен олиб келган ҳомий буюк экан, аммо илтимосингнинг ҳам баҳоси баланд!» Шундай деб у сипоҳдорни чиқариб юборишини буюрди ва унга тўн кийгизди, эъзозлаб, совгалар берди. Сен гўзал юзнинг фазилатларини билгин деб ва унга бўлган ҳурматни ифодалаш учун буни сенга эслатиб ўтилди.

ҲИКОЯТ. Айтишларича, кунлардан — бир кун султон Маҳмуд¹⁴² сайлга борди ва даладан шаҳарга қайтиб келди. Ўша вақтларда у ҳали амир ва отаси барҳаёт эди. У шаҳар дарвозасига етганда томошабинилар орасида кийимлари кир ўн икки ёшлар чамасидаги бир болага кўзи тушди. Бола чиройли, тоза ва гўзал чеҳрали, қомати келишган баркамол ўсмир эди¹⁴³. У отнинг жиловини тортиб, деди: «Бу йигитчани ҳузуримга келтиринг». Уни олиб келишганда сўради: «Йигитча, сен кимсан, падаринг ким?» У жавоб берди: «Отам йўқ, аммо онам фалон жойда яшайди». Султон Маҳмуд сўради: «Нималарни ўрганмоқдан?» Йигитча жавоб берди: «Мен қуръонни ёдламоқдаман». Султон, бу бола саройда яшасин, деб буюрди. Султон саройга келгач болани чақириди ва ундан кўп нарсаларни сўради ва баъзи ишларни буюрди. У жуда чаққон ва фаросатли бўлиб чиқди, унга омад ёр бўлди. Султон унинг онасини чақиририб келди ва: «Фарзандингни ўғил қилиб олдим, мен унга тарбия бераман. Ундан хавотир олма», деди. Сўнгра онага совгалар беришни, болага ипак кийимлар кийгизишни ва у хат-саводни, билимларни, қурол ва чавандоз-

ликни ўрганиши учун мураббийлар тайинлашни буюрди ҳамда болага айтдики: «Ҳар куни қабулни бошламасимдан олдин менинг ҳузуримга келасан». Бола ҳар куни саҳарда султон ҳузурига келар ва султон ўз хонасидан чиққандан унинг юзини кўрар эди. Султоннинг мақсади унинг чеҳрасидан баҳраманд бўлишнинг хайрли эканлигини билиш эди. У ўта хайрли бўлиб чиқди. Хонасидан чиқиб унинг чеҳрасини кўрар ва ўша куниёқ ўз мақсадига эришар эди. Йигитчанинг либосларини янада яхшилаб қўйган эди, унинг ҳусни юз карра ошиб кетди. Султон кун сайин уни ўзига яқинлаштира борди ва унда фурур пайдо бўла бошлади. Султон унга бойликлар ҳадя қилар, раҳмдиллик кўрсатар, борган сари кўпроқ ишонч билдирава эркалар эди. Бу йигитчанинг фаровонлиги ва улуғворлиги орта борарди. Султон уни шундай яхши кўрар эдикни, уни бирор соат кўрмасдан туролмасди. Бола ўн саккиз ёшга тўлди ва унинг ҳусни ўн баробар ортди. Султон бу боланинг ҳуснидан баҳраманд бўлгани учун кўп катта галабалар қозонди ва кўп ишлар қилди. У Ҳиндистоннинг бир неча вилоятларини ва Ҳурсоннинг бир неча шаҳарларини забт этди ва султон бўлди. Бир куни шу бола қандайдир сабаб билан султон ҳузурига кечикиб келди. Султон бўлса унингсиз зерикди ва у келганда ғаши келиб, ғазаб билан деди: «Ҳали шундайми? Ўзингнинг кимлигингни биласанми? Сени қаердан топиб олганимни, қайси даражага кўтарганимни, мартабанг ва бойлигингнинг қанчалигини биласанми? Ҳузуримда роса бир соат бўлмасликка журъат қилдинг?» Султон жим бўлгач, у бундай деди: «Марҳаматли султон, энди қулоқ солсалар. Султоннинг барча сўзлари тўгри. У мени тупроқдан олиб, осмон қадар юксалтириди. Мен бир фақир эдим, ҳозир хожамнинг инояти билан менда кўплаб ер-сув, чорва, қуллар ва эркин хизматкорлардан ташқари, беш юз мингдан кўпроқ динор бор, подшоҳ менга шундай улуғворлик ва муаззамликни ҳадя қилдики, энди ҳеч кимнинг мартабаси мендагичалик эмас. Аммо шуни айтишим керакки, менга билдирилган ҳотамтойликлар, менга у томонидан ҳадя қилинган

бойлеклар, у менга берган мартаба менга асло таъна бўлмаслиги даркор. Бу унинг юрагига таъна бўлиши зарур, чунки у икки сабаб ила менга қалбан боғлиқ: биринчидан, шунинг учунки, ҳуснумдан баҳраманд бўлиш унинг учун яхшилик аломати, иккинчидан, мен шоҳ қалбининг томошагоҳи, гулшани ва боғидурман. Агар подшоҳ ўзининг томошагоҳини безаса, мен унга ўз шукронам ва дуоларимни билдирганим тақдирда ҳам, у асло таъна қилмаслиги керак». Йигитчанинг жавоблари подшоҳга жуда маъқул бўлди ва уни эъзозлаб, ҳурмат-эътиром кўрсатди.

Донишманд ва ҳақгўй инсонлар гўзал чеҳра ҳақида кўп гаплар айтганлар. Буларнинг ҳаммаси, бу Инъомнинг ва Изид таолонинг совғасининг қанчалик баланд мартабага эгалигини ҳамда буюк одамлар гўзал юзни қанчалик қадрлаганларини сен билгин деб эслатиб ўтдик.¹⁴⁴

Бу китоб ёзувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам хайрли бўлсин деб яхшилик аломати — гўзал юз билан ниҳоясига етди.

Оллоҳнинг ёрдами ва унинг гаройиб хайрҳоҳлиги билан тугатилди. Худовандо, эзгулик, баҳт ва саломатлик билан ўзинг итмолига етказ.

РУБОЙЛАРДАН НАМУНАЛАР

НАШРИЁТДАН

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома»си баҳонасида унинг баъзи рубоийларини ҳам эътиборингизга ҳавола этдик. Ҳавола этилаётган рубоийлар «Наврўзнома»нинг руҳига мос келади, зоро «Наврўзнома»да ҳам инсон умрининг ғаниматлиги ва бу умрни эзгу ишларга сарф қилиш ҳикмат эканлиги, инсоннинг қадр-қиммати ва инсониятаро аҳиллик, дўстлик, ҳаё ва ғурур бениҳоя зарурлиги ҳақида мушоҳада юритилган. Биз шунинг учун ҳам рубоийларни шартли равишда сарлавҳачалар остида беришни лозим топдик.

БАҲОР КУНЛАРИНИНГ ҒАНИМАТЛИГИ ҲАҚИДА

Соқий, гулу кўкат ҳозир кўп қувноқ,
Балки, бир ҳафтада бўлур у тупроқ.
Май ич, гул тер, кўзни юмиб очгунча
Гул ерга тўкилар, қовжиар тупроқ.

* * *

Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган ҳамдами яхши.
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.

* * *

Баҳор айёмида гўзал паризод,
Бир кося май бериб дилим этса шод,
Кишилар наздида хунук бўлса ҳам,
Ит бўлай, жаннатни бир бор қилсан ёд.

Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,
Гул юзидан бўлмиш булбул тағибнок.
Гул тагида ўтири, чунки жуда тез,
Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.

2

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ҲАҚИДА

Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат,
Малакдай гўзалнинг юзидағи хат.
Бу сабза лоладек юзлар тупроғи,
Сабзага авайлаб оёқ қўй фоят.

* * *

Бу кун келар экан қўлингдан, зинҳор
Азизлар хотирин шод эт, э дилдор.
Ҳуснинг салтанати турмас абадий,
Тўсатдан қўлингдан кетиши ҳам бор.

* * *

Бир гаріб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

* * *

Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди.
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

АҲИЛЛИК ВА ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,
Ноаҳил суҳбати ёмондан ёмон.

Дўстлар, иноқликни қилингиз одат,
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод.
Соқи тоза майни сузганда айланг,
Мен бечорани ҳам дуо билан ёд.

ҒУРУР ҲАҚИДА

Фалакнинг устидан ким топди зафар
Ер қачон одам еб тўйибди, магар,
Мени емади деб кеккай кўрма,
Шошмай тур, кўп ўтмай навбатинг келар.

* * *

Олам тузогидан озод эмасмиз,
Бир нафас олмоқдан ҳеч шод эмасмиз.
Ҳаётга кўп шогирд бўлдигу, ҳануз
Дунёнинг ишига устод эмасмиз.

ҲАЁ ҲАҚИДА

Эрта тонг лолага шабнамки тегар,
Чаманда бинафша бўйинини эгар.
Рост айтсам, гунчадан жуда розимен,
Чунки у кўтармас на этак, на бар.

«МАЙСАРА» ДЕЙИЛГАН ҚУРЬОНДА

Ичганда ақлдан бегона бўлма,
Эс жўйиб, жаҳлга сен хона бўлма.
Истасанг қизил май ҳалол бўлишин,
Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.

* * *

Далил топдим ақлим қайнаган онда:
Румдами, арабда — ҳамма томонда
Май ҳаром десалар, ишонмайман ҳеч,
«Майсара...» деган-ку худо қуръонда.

ИЗОХЛАР

1. Рус тилига қилинган таржима Германия давлат ку-
тубхонаси (Берлин)да сақланаётган №2450 (лл. 78—105 б.)
қўлёзмадан бажарилган. Бу қўлёзмадаги баъзи етишмов-
чиликлар Британия музейидаги (Лондон) №23568 (лл. 86
б.—101 б.) қўлёзмадан олиб тўлдирилган. Наврӯзнома
Лондон қўлёзмасида тўла берилмаган, хусусан, унда рисо-
ла муаллифининг исми зикр этилган кириш қисми йўқ;
Лондон қўлёзмаси матни баъзи жойларда чалкашиб кетган
ва Берлин қўлёзмасидан анчагина фарқ қиласди. Шунинг
учун, Берлин қўлёзмаси матнидаги камчиликларни тўлди-
риш мақсадида Лондон қўлёзмасидан иккала матн бир-би-
рига яқин бўлган чоғлардагина фойдаланилган.

Берлин қўлёзмаси изоҳлари билан эронлик матншунос
Можтоба Миновий ва Муҳаммад Аббос томонидан нашр
этилган.

2. Муҳаммад (570—632)— ислом динининг асос-
чиси. Асарда кейинчалик «расул» (пайгамбар) ва «муста-
фо» (сайланган) деб ҳам аталади.

3. Араб мақоли арабчада берилган.

4. Наврӯз (янги кун) — баҳорги кечава кундуз
тенглигига тўғри келадиган янги йил байрами. Баҳорги
тенг кунилик аста-секин сурилиб туради: ҳозирги пайтда—
20—22 марта тўғри келади, Хайём замонасида 14—16
марта тўғри келган. Наврӯз байрами араб истилосигача
Эрон ва Ўрта Осиёдаги кўпчилик аҳоли, шунингдек Закав-
казедаги маълум аҳоли қисмининг зардўшт динига мансуб
қавмларида диний байрам тусида ҳам ўtkазилган.

5. Ажам — Кенг маънода гайриараб, тор маънода
форс.

6. Ҳамал — Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракат йў-
лидаги ўн икки бурждан бири.

Ўзининг йиллик айланишида қуёш ҳар бир буржни бир
ойда босиб ўтади. Қуёшнинг Ҳамал буржига кириши баҳорги
эътидолга, яъни тун билан куннинг тенг бўлган вақтига
тўғри келади. Буржлар минтақаси, яъни қуёшнинг мазкур
айлана йўли 360 даражага бўлинган Ҳар бир буржи 30 да-
ражани әгаллайди. Ҳар бир даражанинг олтмишдан бири
«дақиқа» деб аталади.

Хайём айтган Қүёшнинг иккинчи доираси унинг кечакундузлик кўринма айланишидир.

7. 365 кечакундуз б соату 48 дақиқаю $45\frac{1}{4}$ секундга тенг бўлган Қүёшнинг йиллик айланиши $365\frac{1}{4}$ кечакундуздан 11 минут $14\frac{3}{4}$ секундга кам.

8. Жамшид — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳларидан бири (изоҳларнинг 21-моддасига қаранг). Каюмарс — зардўштийларнинг олам яратилиши ҳақидаги афсоналарига қараганда — биринчи одам. Ўрта Осиёлик шоир Абул-Қосим Фирдавсий (934—1025)нинг «Шоҳнома»сига кўра — биринчи подшоҳ

...Одат қилмиш тахту тож, кулоҳ
Каюмарс номли шоҳ, саодатли шоҳ.
Ҳамал буржига кириб қолганда офтоб,
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об.

(Фирдавсий, Шоҳнома, 1-китоб, Тошкент, 1975, саҳ, 41)

Охирги байтнинг маъноси Хайёмнинг ушбу сўзлари билан ойдинлашади: «У тонгда Офтоб Ҳамал буржининг аввалги дақиқасига кирган кунни аниқлаб, ажам мубадларини йигди ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлашни бу юрди».

9. Мубад — зардўштийлар динида олий мансабдаги рӯҳоний,

10. Изид ва Яздон — қадимий Эрондаги худо номлари — (хусусан, Яздон—Язиднинг кўплигидир). «Наврӯзнома»нинг кўп жойларида мусулмонча Оллоҳ, деб эмас, исломдан аввалги қадимий номлар билан аталади.

11. Қоф тоги афсонавор бўлиб, ерни ўраб турган тоғ деб тахмин қилинган. Анқо қуши қоф тогида яшайди деб ҳисобланган. Ҳозирги Кавказ тоғларини Қоф деб ҳам атайдилар.

12. Зардўшт дини деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларнинг дини сифатида Қүёш ва у билан боғлиқ бўлган оловни илоҳийлаштиришга асосланган. Қүёшга «худонинг жамоли» деб қарапланган. Кун билан туннинг тенглиги — Наврӯзнинг мазкур диннинг асосий байрами деб тан олинини шу тушунча билан боғлиқдир.

13. $1461\frac{1}{4} \times 265\frac{1}{4}$, яъни, агар Қүёшнинг йиллик айланиши аниқ $365\frac{1}{4}$ кечакундузга тенг бўлса, у ҳолда 1461 йилдан кейин Қүёш фалакнинг ўша нуқтасига ўша дақиқада қайтиб келади.

14. Қирон — икки сайёра бир бурж, бир даража ва бир дақиқада туриши. Муқобала — икки сайёранинг қарама-қарши буржларда бўлишидир, бунда уларнинг узоқлиги ярим доирадек, яъни 180° да фарқ қиласи. Қирон ва муқобала — ўрта аср мунажжимлигига умумий назар тушучаси билан белгиланувчи икки юлдузнинг бир-бирига нисбатан тутган ўрнидир. Ўрта аср мунажжимлари тарбия, таслис, тасдис каби тушунчалардан ҳам фойдаланганлар. Булар доиранинг чораги, учдан бири ва олтидан бирини, яъни 90° , 120° ва 60° ни билдиради. Муштарий ва Зуҳалнинг қирон пайти ҳар 19 йилу 314 кунда бўлади ва бунинг

73 таси тахминан 1450 йилга түгри келади. Барча буржаларда рүй берадиган бу кичик қирондан ташчары да Ҳамал, Саратон, Мезон ва Жадида ҳар 240 йилда бўладиган ўрта қирон ва Ҳамал буржида 960 йилда бир марта рўй берадиган улуг қирон ҳам бор.

Урта аср мунажжимлари баъзи буржларни сайёralар учун ҳубут (тушкунлик) буржи, бошқа баъзи буржларни эса шараф, юксалиш буржи деб, ҳамда ҳубут буржида сайёralарнинг хайрли таъсири камаяди ва шараф буржида эса куччайди деб ҳисоблаганилар.

15. Хайём эронилларнинг қўёши йил ҳисоби (календари)даги ойлар номларининг келиб чиқишини эркин талқин қилиган. М. Миновининг Наврӯзнома нашрига берган аниқроқ изоҳларини келтирамиз: фарвардин — паҳлавийча фравартиам, «халаскор фаришта» деганидир. Урдб ишт — фаришталарнинг номи, қадимги форс тилидаги отам вакиштам — «энг яхши ҳуқуқ» (биҳишт — жаннат). Хурдод — фариштанинг номи (қадимий форчадаги хаурзатат — яхлитлик). Тир — Тиштриядан олинган, фариштанинг номи, Меркурий шундай деб аталган. Мурдад — Амуртатдан олинган, фариштанинг номи (қадимий форсчадаги ameretat — жасур). Шахривор — Шавревар, фариштанинг номи (қадимий форсчадаги хшаврешрайрим — «сталаб қилинган юрга»). Михр — Мисрдан олинган, нур фариштасининг номи (қадимий форсчада миср — нур). Обон — опан, сув фариштасининг номи (об — сув). Озар — Озур, олов фариштасининг номи (озар — «олов», Озарбайжон — «олов мамлакати» ҳам шу сўздан). Даёт — Давз — яратилиш, бунёд этиш (қадимий форсчада дазваҳ — «бунёдкор»). Бахман — Бохуман, фариштанинг номи (қадимий форсчада — вахумана — «соғ виждонли»). Искандармуз — Спандармат — аёл худо номи (қадимий форсчадаги спента армайти — «авлиёлик ва мўминлик»).

16. Абу Райхон Беруний «Қадимги калқлардан қолган ёдгорниклар» асарида бир афсонага кўра Каюмарс 213 йил, бошқа афсонага биноан 40 йил, учинчи афсона бўйича 30 йил подшоҳ бўлган, деб хабар беради.

17. Xушанг — «Шоҳнома»да айтилишича, Каюмарснинг набираси, унинг ёмон руҳ томонидан ўлдирилган ўғли Сийамакнинг ўғли. «Шоҳнома»да ёзилишича, Xушанг ёмон руҳни ўлдиради, одамларни турли ҳунарлар ва деҳқончилик ишларига ўргатади, оловни кашф этади. «Шоҳнома»да унинг неча йил подшоҳ бўлганлиги айтилмайди. Беруний келтирган учта манба бўйича, Xушанг 40 йил подшоҳ бўлган, шу манбаларнинг иккитасига кўра, подшоҳлик йилларининг ўртасида 170 ва 194 йил узилиш бўлган. Бу Хайём келтирган 970 йилдан кескин фарқ қиласиди. 40—970—30—421 (30—421 — кейинги икки подшоҳлик йиллари)нинг йигиндиси 1451 бўлгани учун 970 сони маҳсус олинган бўлса ажаб эмас.

18. Тахмурас — «Шоҳнома»да ёзилишича, Xушангнинг ўғли, Беруний келтирган манбаларга кўра, унинг авраси. «Шоҳнома» ҳам, Беруний ҳам келтирган учала манба Тахмурасни 30 йил подшоҳ бўлган, деб кўрсатадилар.

19. Бузасп — Беруний асарида Будасаф деб ёзилган. У сабийлар — юлдузларга сиғинувчилар динига асос солған. Унинг ҳақида Беруний шундай деб ёзади: «Эслатиб ўтилган сохта пайғамбарлардан биринчиси Будасафdir. Будасаф Тахмурас салтанати тугагач, бир йил ўтиб Ҳинд ерида пайдо бўлган ва ўзи билан форс ёзувини олиб келган. У сабийларниң диний таълимотини тарғиб қилган, унга кўп одамлар эргашган эдилар».

20. Зуинор — сабийлар ва зардўштийларниң тимсолий белбоги. Беруний замонида сабийлар Харрон (Сурия)-да маълум миқдорда сақланиб қолган эдилар, улардан Собит иби Курро (836—901 й.) ва ал-Баттоний (929 йилда ўлган) сингари буюк астрономлар етишиб чиқсан.

21. «Шоҳнома»да айтилишича, Тахмураснинг ўғли. Беруний келтирган далиллар бўйича унинг укасиdir. Шу манбаларга кўра, Жамшид давлат тузумига асос соўлган, одамларни тўрт тоифага ажратган, уларни кийим кийишга ўргатган.

22. Форсийда мато — «дев бафт» (дев тўқиган), сўзидан олинган «дебоди»dir.

23. Заххок — Эронни забт этган афсонавий аждаҳо подшоҳ. «Шоҳнома»да ёзилишича, ёвуз махлуқ Заххокни ўйлдан уради ва елкасидан ўпади. Бу ўшишлар натижасида Заххокнинг икки елкасидан иккита илон ўсиб чиқади ва Заххок нимаики емоқчи бўлиб оғзига олиб борса, илонлар тортиб олиб қўядилар. Илонларни кесиб ташлайдилар, аммо улар яна ўсиб чиқаверадилар. Ёвуз ҳуқуқ Заххокка илонларни инсоннинг мия қатиги билан боқишини маслаҳат беради. Заххок ҳар куни икки йигитни ўлдириб, уларниң мияси билан илонларни боқишини буоради. Шунда, ўн етти ўғли ўлдирилиб, охирги ўғли ҳам қатлга ҳукм этилгач темирчи Кова Заххокка қарши исён кўтаради. Кова Жамшидининг авлоди бўлган Афридунни ёрдамга чақиради ва унинг ёрдамида Заххокни енгади. Шундан бери Кованинг теридан қилинган пешбанди Эрон подшоҳларининг расмий байроби бўлиб қолади. Фирдавсий Заххокнинг иккинчи номини — Беварасп шаклида келтиради. Беварасп қадимий форсийда «минг отлиқ» деганидир. Фирдавсий Заххокни Арабистондан чиқсан деб ҳисоблайди. Ал-Беруний келтирган учала манбаъ ҳам Заххокнинг 1000 йил подшоҳлик қилганини кўрсатади.

24. Афридун, «Шоҳнома»да Фаридун, Беруний келтирган манбаларга кўра Жамшидининг авлодидан. Улардан бирида 200 йил, бошқа иккисида 500 йил подшоҳлик қилган.

25. Иброҳим — Тавротдаги пайғамбар, мусулмонлар уни асосий пайғамбарлардан деб ҳисоблайдилар.

26. Турунж, бадранг — цитрус меваларидан.

27. Меҳрғон — кузги эътидол байрами — 21-меҳрда. Сада — Наврӯзгача 50 кун олдинги байрам — 10-баҳманда. (сади — юзлик маъносида, яъни Наврӯзгача 50 куну 50 кечча).

28. Туровн — Ўрта Осиёнинг қадимги номи.

29. Ўрта асрларда Туркистон деб Шарқий Туркистон

(Синъцаян) ва Мўгулистон тушунилган. Жайқун — Амударё, Чин — Шимолий Хитой, Мочин — Жанубий Хитой.

30. Рум ерлари деб ўрта асрлардаги Шарқда Кичик Осиё ва Юнонистонни тушунишган.

31. «Шоҳнома»да ёзишича, Фаридуннинг ўғиллари Тур ва Салмлар укалари Эрежни ўлдирадилар, лекин пайти келиб уларнинг ўзларини Эрежнинг ўғли Манучеҳр ўлдиради ва уларнинг бошларини Фаридунга олиб келади, Эрон тахтига ворис бўлади.

32. Гуштасп — Эҳтимол Доро Гуштасп (мелоддан аввалги 552—486 йиллар)дир, Куруш асос солган Ҳоҳаманиший сулоласига мансуб подшоҳ.

33. Зард ўшт — Зороастра ёки Заратуштранинг форсий номи, у зардўшт динининг ёхуд, Ўрта аср Шарқда габр дини деб ном олган диннинг асосчиси. Ал-Беруний уни «Заратуштра, Сафид туманинг ўғли, озарбайжонлик», дейди. Зардўштни зардўштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг муаллифи деб ҳисоблайдилар.

34. Шундай қилиб, Қуёшнинг йиллик айланиши ва 365 куну чорак кечакундузга тенг, календарь йили орасидаги фарқ ҳар тўрт йилга бир кун қўшиш билан эмас, балки ҳар 120 йилда бир ой қўшиб кабиса қилинар эди. Қўшилувчи ой ўн иккى ойнинг ҳар биридан кейин навбат билан киритилар эди, яъни биринчи 120 йилликда фарвардин ойидан кейин, иккинчи 120 йилликда урdbixishdan кейин ва шу йили иккита фарвардин ёхуд иккита урdbixishт бор деб ҳисобланар эди ва ҳоказо.

35. Искандар — Александр Македонский (эрэмиздан аввалги 365—323 й. «Александр» сўзидағи «ал» арабчадаги олд қўшимча деб тушунилган. «Зулқарнайн» — «Иккি шоҳли» — Александрнинг арабча лақаби унинг мингани оти Букефал («Буқа бошли») асосида келиб чиқкан. Александр — шарқдаги кўп афсоналарнинг қаҳрамони, уларнинг асосида буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141—1203) нинг «Искандарнома»си ёзилган.

36. Ардашер Бобакон (Бабак) Сосоннинг ўғли бўлиб, Эрондаги Сосонийлар давлатининг асосчиси, 226—251 йилларда подшоҳлик қилган.

37. Нўшинравон (Нўширвон ёки Ануширвон), унинг бошқа исми Хусрав — Сосонийлар сулоласидаги подшоҳ, 531—379 йилларда подшоҳлик қилган. Эрон зодагонлари зардўштий коҳин Маздак бошчилигидаги халқ ҳаракатини бостиргани учун уни «Одил» деб аташган (Ануширвон исми «абадий руҳ соҳиби», деган маънени билдиради).

38. Мадойин (Ктесифон) — сосонийлар давлатининг Дажла (Тигр) дарёси бўйидаги пойтахти. Мадойин — арабча «шаҳарлар» деган маънода, бу шаҳар атрофида кўпгина кичик шаҳарчалар бўлган. Кейинроқ унинг харобалари ўрнида Бағдод қурилган.

39. Маъмуни — 813—833 йиллари халифа бўлган аббосий, халифа Хорун ар-Рашид (789—809 йиллар)нинг ўғли.

40. «Маъмуннинг астрономик жадваллари» номи билан ҳозирги замонда қўйидагилар машхур: а). Ҳожи Халифа эслатиб ўтган Зиж ал-Маъмун. б). Аз-зиж ал-Маъмун лил

Мумтохин («Ал-Маъмуннинг синовчилари учун астрономик жадвали») остроном Яҳё ибн Абу Мансур бошчилигидаги олимлар томонидан тузилган. Биринчи жадвал топилмаган; Хожи Халифа томонидан келтирилган унинг бошлангич қисми кейинроқ қайта ишланган ва сақланиб қолган, иккинчи жадвалнинг бошланниш қисмидан фарқ қиласди.

Маъмун саройида иш олиб борган рамоллар (астрономлар) эрон қуёш календарини қайта кўриб чиққанлари ҳақида маълумотлар йўқ; халифалик мамлакатларида йўл ўн икки қамарий ойдан иборат бўлган мусулмон қамарий календари расмий календар эди. Қамарий ой 29, 5306 кечакундузга тенг бўлгани учун қамарий йил 354,3672 кечакундузга ва шамсия йилнинг 100 йили 103 қамарий йилига тенг бўлади.

41. Мутаваккал алаллоҳ, Абул Фазл ибн Муҳаммад—847—861 йиллардаги аббосий халифа. Берунийнинг айтишига қараганда, солиқ йиғиши пайтида экинлар энди кўкарган ва солиқ тўлашга одамларнинг қурби етмаслигини кўрган Мутаваккил бунинг сабабини сўраган, унга Наврӯзда солиқ йигиб олиш учун бу одатни форслар жорий қилганларини ва араблар ҳам шундай қабул қилишганини айтишган. Шундан кейин Мутаваккил мубодни чақирган (9-изоҳ), у, форсларда йил ҳисоби, унинг узунлиги ва неча йил қўшилиб турилиши зарурлигини, сўнгра ислом келгандан сўнг бу хислатлар йўқ бўлгани ва одамлар зарап кўрайтганларини тушунтирган. Шундан сўнг Мутаваккил Ибн ал-Аббос ас-Сўлини чақириб унга Наврӯзни мубад айтгандай йил кунларини ҳисоблаб чиқиб, бир қоида бўйича ўтказишни, сўнгра Мутаваккил номидан давлатнинг барча вилоятларига Наврӯзнинг сурилиши ҳақида нома ёзиб хабар беришни буюрди. Аммо Мутаваккилни ўлдиришди ва у ўз ишини охиригача етказа олмади. Бу ўзгартиш Мутаваккилдан кейинги 892—902 йилларда халифалик қилган Аҳмад ибн Талха Мұттадид биллоҳ томонидан амалга оширилган. Беруний хабар беришича Мұттадид асри «румийлар йили ва форслар ойи билан, лекин бошқа усулда ҳисобланади: ҳар тўрт йилда бир кун қўшилади».

42. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абд ал-Малик кўп халифаларнинг вазири бўлган, 847 йилда, Мутаваккил тахтга чиққандан сўнг бир неча хафта ўтиб ўлдирилган.

43. Сеистон — Афғонистон билан чегарадош бўлган Эрон вилояти, Эрон ва Ўрта Осиё ҳалқлари достонларидаги афсонавий қаҳрамонлар Сом, Зол, Рустам ва бошқаларнинг ватани ҳисобланади. Халифа ибн Аҳмад — Сафариидлар авладидан Сеистон амири Маҳмуд Ғазнавийнинг вассали бўлган.

44. Малик шоҳ — салжуқий сulton 1072—1092 йилларда подшоҳлик қилган.

45. Устурла б — астрономик ўлчов асбоби, осмон минтақасида кўриниб турадиган юлдузларнинг ўрнини аниқлаш учун ишлатилган.

46. Малик шоҳ даврида Хайём раҳбарлигига календарь тузиш бўйича ишлар олиб борилган.

47. Бу бобдаги Хайёмнинг фикрлари вазир Низом-ул

Мулкнинг «Сиёсатнома» китобидаги фикрларга яқин. Бу ҳақда Низом-ул Мулк: «Подшоҳлар эрга тонгдан яхши дастурхон гамини ейишлари зарур», деган.

48. Хошимий ва собуний — ҳолванинг турлари, лавзино — бодом ва хандон пистадан тайёрланган шириликлар.

49. Дирҳам (юонча—дирахма) — оғирлиги 1,45 г кумуш танга

50. Низом-ул Мулкда: «Давлатпаноҳ ўзидаи узоқ ва яқиндаги ҳалқ ва қўшин ҳақида ҳамма нарсани билиши зарур... Соҳиб борид (хабар берувчи)га истасак-истамасак зарурат бор. Исломгача ва ислом даврида барча подшоҳлар соҳиб борид орқали яхши ва ёмон барча янги воқеалардан ҳабардор бўлишган; масалан, агар бирор одам беш юз фарсанг (Форсанх—6—7) км.) нарида ноҳақ равишда бирорининг бир бөғ бедаси ёки товугини ўтилласа, подшоҳ бу ҳақда ҳабар топиб ўша одамга жазо беради, токи бошқалар подшоҳнинг зийраклиги ва унинг ҳушёргигини билишсин».

51. Низом-ул Мулкда: «Яна унга (подшоҳга) дунёнинг ободончилиги билан боғлиқ ҳамма нарса тааллуқли: карилизлар (сув ўтказгич водопровод) ўтказиши, анҳорлар қазиш катта дарёлардан ўтиш учун кўприклар қуриш, қишлоқларни ободонластириш, ер очиш, қалъалар, янги шаҳарлар бунёд этиш. У улуғвор бинолар, ажойиб оромгоҳлар қурсин ва катта йўлларда работлар қуришга буюрсин, бундай ишлар унинг номини абадийластиради».

Бу сўзлар Малик шоҳ ворисларига «улугвор иншоот» бўлган расадхонанинг қурилишига ёрдам беришлари учун ишора тарзида айтилган бўлса эҳтимол, чунки Малик шоҳ ўлган пайтда расадхона биноларидан бири чала қолган эди, унинг ўлимидан кейин бу қурилиш тўхтатиб қўйилди. Малик шоҳ ворисларининг диққатини Наврӯз байрами асосланган шамсия календарига (жадвалига) қаратиш ушбу китобнинг асосий мақсади бўлса керак.

52. Кисро — Хусрав Нўшинравон, 47-изоҳга қаранг.

53. Шопур Зул Ақтоф — Сосонийлар сулоласидан, 310—379 йиллар подшоҳлик қилган.

54. Низом-ул Мулкда: «Сосонийлар авлодида қўйида-гича одат бор эди: бирор одам уларнинг ҳузурида уларга күш келадиган суханворлик қилса ёки ўз истеъдодини на-мойиш қилса ва улар «оғарин!» — деб юборсалар, шу заҳоти хазиначи ўша одамга минг дирҳам берар эди».

Хайёмнинг Ажам подшоҳларининг қўшиқчилар ва до-нишмандларга нисбатан саҳиийларини кўрсатишдан мақсади Малик шоҳ ворисларидан олимлар, хусусан раммолларга (астрономларга) саҳиийлик туйғусини уйғотиш бўлса керак.

55. Яздон — худонинг номи, 10-иловага қаранг.

56. Кайхусрав — Кир, қадимий Эрон (ахмонийлар) давлатининг асосчиси, янги эрагача 558—529 йилларда подшоҳлик қилган.

Яздижард (Ездигард) — Эрондаги Сосонийлар давлатининг охирги подшоҳи, 632—681 йилларда подшоҳлик қилган. Яздижард подшоҳлиги даврида Сосонийлар давлати

араблар томонидан босиб олинган, Яздижард 111 нинг тахтга ўтирган куни — 632 йил 16 июль «Яздижард йил ҳисоби» нинг бошланишидир, араб истилосининг биринчи юз йиллиги даврида эрон шамсия календарини қўллаган барча халқлар шундан фойдаланишган. Малик шоҳ даврида Хайём раҳбарлигига ўтказилган календарь ислоҳидан кейин, Яздижард йил ҳисоби «Маликий йил ҳисоби» билан алмаштирилган.

57. Мубоди мубод (мубоди мубодон*) — зардўнтийлар динида бош коҳин.

58. Динор (римдаги — денериядан) — оғирлиги 2,42 г. олтин танган.

59. Бу ерда форс тили (порси) деб паҳлавий тили — Сосонийларнинг давлатидаги адабий тил тушунилади. «Наврӯзнома» нинг бошқа саҳифаларида шу избора билан Хайём замонидаги форс адабий тилини айтилган. Мубоди мубод, зардўнтийларнинг коҳинларини асосий қисми чиққан сенхгарлар қабиласининг қадими тили — диний маросимлар тилида эмас, балки ҳаммага тушунарли бўлган адабий тилда подшоҳга қараб мурожаат этган.

60. Суруш — зардўнтийлар динида хабар берувчи фаришта.

61. «Саодат кунининг офтоби», «саодат тунининг моҳтоби» иборалари аввал араб тилида, сўнгра форс тилида берилган.

62. Мухр** — лойдан қилинган лаппак, шиа мазхабидагилар номоз ўқиганларида нешоналарини унга теккизадилар; бу муҳр имом Ҳусайн ўлдирилган ер — Карбало тупроғидан ясалган эмиш.

63. Қайсар — Бизантия императорининг арабча номи («Кесарь»).

64. Бузуржмеҳр — Нўшинравонининг вазири, подшоҳнинг доно маслаҳаттўйи сифатида кўп афсоналарнинг қаҳрамони (Бузуржмеҳр — «улуг муҳаббат» деган маънода).

65. Араб мақоли араб тилида берилган.

66. Фанио Ҳусрав (Паниа Ҳусрав) — буид сultonи, яна Абу Шужа Адуд ад-Давла иби Рукниддин (936—983) деган ҳам номи бор. Буидлар (Бувайхидлар) сулоласига Фанио Ҳусравнинг буваси Бувайх томонидан асос солинган ва марказий ҳамда шимолий Эронда 932—1055 йилларда ҳукмронлик қилган; 945 йилда Буидлар Богдодни босиб олдилар ва Богдод ҳалифалигини ўзларига бўйсундирдилар.

67. Сураймон — тавротдаги подшоҳ Соломон.

68. Ҳусрав Парвез — Сосонийлар сулоласидаги подшоҳлардан. 598—628 йилларда подшоҳлик қилган, Ниҳомий Ганжавийнинг «Ҳусрав ва Ширин» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири.

* «Фи ёсул-луғот» да — мубод — оташпарастларнинг ҳаким ва донишманди деб берилган (яна бу лугатда бошқа маъноларга ҳам ишора бор).

** «Фи ёсул-луғот» да — муҳраи намоз, қўлнинг кафтига тенг, шифобахш тупроқдан ясалади ва имомия мазҳабидагилар сажда чоги унга бош қўядилар.

69. «Хандак жанги»— 628 йилда исломнинг асосчиси Мұхаммад томонидан Мадинани маккалилардан ҳимоя қилишда бўлган жанглардан бири. Мұхаммад ўзининг сафдеши, эронли Салмон ал-Форсий (655 йилда ўлган)нинг маслаҳатига кўра, бу пайтгача арабларга номаълум бўлган, аммо эронлилар томонидан кенг қўлланиб келинган усули жанг — ҳандақларни қазишга буюрган. Бу жангда Мұхаммад 300 одам билан маккалиларнинг ўн минг аскарли қўшинини енгган.

70. Аристотель (бу ерда Аритуталис)— Александр Македонскийнинг мураббийси бўлган.

71. Мұхаммад Амин— 809—813 йиллардаги аббосий халифа, халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли, укаси Маъмун томонидан ўлдирилган (39-изоҳни қаранг). «Амиррад мўминин»— халифанинг увони.

72. Шеър араб тилида берилган.

73. Тоҳир ибн Ҳусайн (775—822)— халифа Маъмуннинг саркардаси, кейинчалик Хурносон амирлари Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси, бу сулола 821—873 йиллар ҳукмрон бўлган.

74. Ўрта асрдаги бошқа кўпчилик олимлар каби Хайём табиб ҳам бўлган.

75. Канун биринчи ва канун иккинчи — юнон календари бўйича — декабрь ва январь.

76. Хурмуз — Хусрав Нўшинравоннинг ўғли ва Хусрав Парвезнинг отаси, 579—590 йилларда подшоҳлик қилинган.

77. Шамсу-л-Маъолий Вушмагир — Табаристоннинг (Каспий денгизнинг жанубий қирғогида) сultonи, Зийарийлар сулоласидан, бу сулоланинг машҳур нағояндаси Шамсу-л-Маъолий Вушмагир (99-изоҳга қаранг) бўлган.

78. «Зужасадайн»дан мурод жавзо буржи бўлиб, уни յикки турли сувратининг бирида қилич бор.

79. Та в рот — Библия биринчи бешта китобининг қадимги яҳудий ва арабча номлари.

80. Қуръонда зикр этилишича, Мұхаммад Таврот ва Инжилда эслатиб ўтилган.

81. Я мон ий — Яманники, ҳиндий — Ҳиндистонники, баҳрий — Баҳрайнники, дамашқий — Дамашқники, мисрий — Мисрники, қоражурий — Қоражурники (Қоражур ёки Қоражул — жанубий Озарбайжондаги вилоят). Сулаймоний — Сулаймон номига қўйилган, салмоний — Салмон номига қўйилган (балки Солсон Форсий номига қўйилган бўлиши мумкин). Ҳанафий — душманбоб дегани. Фалъий — ёрувчи, пора қилувчи, наасбий — «наасб» (бало)га оид. Мувалад — янги ижод этилган, нармоҳон — юмшоқ темир.

82. Ман — оғирлик ўлчови, 503,68 гр. га teng, стир— $\frac{1}{4}$ ман, яни 12,592 г; стирнинг $\frac{1}{4}$ — 3,148 граммга teng дирҳам.

83. Уқия — оғирлик ўлчови, $\frac{1}{4}$ ман ёки 10 стир, яни 125,92 граммга teng.

84. «Баҳромнинг қурол ҳақидаги китоби»— Салоҳномайи Баҳром. Китоб бизгача етиб келмаган, муаллифи ҳам

номаълум. Китобнинг номи балки Баҳром Гўр шарафига берилгандир (86-изоҳга қаранг). Қадимий эронлилар Марс сайёрасини Баҳром деб ҳам атаганлар.

85. Мануҷеҳр — 31-изоҳга қаранг. Ариш афсонавий мерган қадимий муқаддас китоб «Авесто»да Арахша номи билан берилган. Бу китобда ёзилишича, Ариш камондан минг фарсанг узоқликка отган ва қаттиқ кучанишдан ўзи бўлак-бўлак бўлиб кетган.

86. Баҳром Гўр — Сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ, 420—438-йилларда подшоҳлик қилган, буюк мерган сифатида машҳур, Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири. Гўр — қулон.

87. Тӯз — дарахтнинг оқ ва ғилиувчан пўстлоги, өгар ва камонни ўрашга ишлатилган.

88. «Қавс», «ватар», «саҳм» геометрияга оид шарқ атамалари бўлиб, русчадаги «дуга», «корда» ва «синус-верзуз» терминларига муодиллар (тарж.).

89. Кушканжир — қамалда ишлатилган.

90. Қўёш, Ой ва ўрта асрларда маълум бўлган беш сайёрининг ҳар бирини ўша замон мунажжимлари буржлар билан, кўпроқ шу сайёralарнинг «уйи» билан боғлайдилар. Қуёш ва Ойнинг биттадан уйи бор, сайёralарнинг эса иккитадан уйи бор. Мунажжимларнинг фикрича, кавкабнинг ўз уйида бўлган пайтида унинг одамлар тақдирига бўлган таъсир кучи ортади. Қуёшнинг уйи Асад буржида, Муштариј уйларидан бири Ҳамал буржида; Миррих уйларидан бири Қавс буржида.

91. Соми Наримон, яъни Наримоннинг авлоди Сом — афсонавий баҳодир, Золниг отаси, Рустамнинг буваси, «Шоҳнома»нинг қаҳрамонларидан бири.

92. Мунзир ибн Нўймон кўзда тутилган. У исломгача бўлган араб сулоласи Даҳмийларга мансуб подшоҳ. У аср бошларида Хирда (Ироқда, Куфадан жануброқда) подшоҳлик қилган. Мунзир Нўймоннинг отаси ажойиб Ҳаварнак саройини қуриб машҳур бўлган. Мунзир Нўймон ҳузурида Баҳром Гўр ёшлигини ўтказган ва унинг кўмаги билан Эрон таҳтини олган.

93. Сайф Зи Язан — жанубий арабистонлик ҳукмрон, Хусрав Нўшинравоннинг замондоши.

94. Абраҳа — (Хабашистон ва жанубий Африқода Иброҳим исмининг айтилиш шакли) — Нўшинравон қўшинлари ёрдамида Сайф Зи Язан томонидан тор-мор этилган. Эфиопиянинг Ямандаги ҳокими. Хайём балки уни Шопур Зул Актоф замондоши Яман подшоҳи Абраҳа Саббоҳ билан адаштириб юбориандир.

95. Бобак Ариз — Хусрав Нўшинравоннинг сарой аъёнларидан.

96. Маъмуннинг сўзлари араб тилида берилган.

97. Бу ерда шаклида ўхшашлик бор ҳарфлардаги фарқ аниқ бўлиши кераклиги таъкидланган.

98. Фарҳуддавла — Рай султони (ҳозирги Техрон яқинида бўлган), Буяҳилар сулоласидан. Банно Хусравнинг укаси.

99. Шамс-ул-Маъолий Қобус Вушмагир

(976—1012),— Табаристон султони. Ал-Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари»ни Шамс ул-Маъолий саройида ёзиб тугатган.

100. Вушмагирнинг сўзлари араб тилида берилган.

101. Сийоҳдорон сипоҳро бигўйанд то бозгарданд (Айтинг, қора кийим кийган аскарлар қайтсиналар дегандаги «й» ҳарфининг остига бир нуқта қўшиб қўйиб «н»га айлантирилгандан ва «гарданд»нинг олдига нун ҳарфини қўшгандан сўнг гап қуидагича бўлади: сипоҳдорон сипоҳро бигўйанд та бознагарданд («айтинг, саркардалар аскарларни қайтармасинлар»).

102. «Подшоҳларининг ҳаёти» (Сийар ул-мулк) — «Эрон подшоҳларининг ҳаёти» (Сийарумулку ил-Ажам) — паҳлавийча «Худой-номак» («Подшоҳлар китоби») китобининг арабча таржимаси, у Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига асосий манба бўлиб хизмат қилган.

103. Қаламларнинг турлари машҳур адиблар ва вазирларнинг номлари билан аталган. Абу Али Муҳаммад ибн Али ибн Муқла (886—940)— халифа Муқтадирнинг вазири (908—932 йилларда халифа бўлган), Абу Амир Абдуллоҳ ибн-ул-Муқаффа (759 й. ўлган) — эронлик, Басрада яшаган. Худойнамакни араб тилида таржима қилганлардан бири, паҳлавий эпик достон «Калила ва Димна» китоби ва бошқа китобларнинг таржимони; кофирилда айбланиб тириклий куйдирилган. Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ул-Муҳаллибий (907—967) — Кармана султони Муъиз уддавлатнинг вазири. Булвазлий қалами Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн ул-амид (970 й. ўлган) номи билан аталган. У Банно Хусравнинг отаси султон Рукнуддавланинг вазири бўлган. Амидий қалами Абул Фазл Муҳаммаднинг отаси Амид номи билан аталган. Амид — Татаристон ва Гилон султони, зибрийлар судоласининг асосчиси Мардавиж ибн Зиёр (935 й. ўлган)нинг вазири бўлган, бу сулолага унинг жияни Шамс ул-Маъолий ва Шамс-ул-мулуклар ҳам мансуб бўлганлар. Исмоилий қалами буид султонлари Муаъйядуддавла ва Фаҳр уддавлаларнинг вазири Исмоил Аббос ат-Талақоний (938—975) номи билан аталган. Саъидий қалами Бағдодда ишлаган араб тилшунос олими Саъид ул-Ансорий (830 й. ўлган) номи билан аталган бўлса керак. Миҳров — Инд дарёсининг арабча номи.

104. Китобда «Юмалоқ ўтириш» дейилган — чордана қуриб ўтиришни шундаи ҳам атаган бўлишлари эҳтимол,— русча таржимада шундай берилган (тарж.).

105. Муҳаммаднинг сўзлари аввал араб, сўнгра форс тилида берилган.

106. Буроқ — ривоятга кўра Муҳаммад миниб меърож қилган ҳайвон.

107. Қалимий тасаввурга кўра Қуёш, Ой ва сайдаралар гардунини маҳсус фаришталар ҳаракатга келтирсанлар.

108. Алус-турк тулпорининг бир тури.

109. Шабдез (тун рангли — қора от) — Хусрав Парвенинг севгилиси малика Ширииннинг ажойиб оти (Бу ўринла иштибоҳга ўрин қолдирмаслик учун шуни өслатиб ўтамизки, форс адабиётида Ширин Хусравнинг севгилиси деб

талқин этилади. Алишер Навоий эса ўзининг оригинал дос-
тони «Фарҳод ва Ширин»да меҳнаткаш ва донишманд Фар-
ҳодни Шириннинг ўтли ошиги ва Ширинни Фарҳоднинг ва-
фоли ёри сифатида тасвирлаган — А. С.).

110. Оллоҳга мансуб дейилган сўзлар араб тилида бе-
рилган.

111. А Фроси ёб — Турк подшоҳи — Эрон шоҳлари-
нинг таҳтини Мунуҷеҳрдан вақтинча тортиб олган (тарж.)

112 Афросиёбнинг сўзлари ҳозирги ўзбек тилига яқин
бўлган турк тилида берилган ва форс тилига таржима қи-
линган.

113. Али ибн Абу Толиб (602—661) — тўртингчи
халифа (656—661 йиллари халифа бўлган), Муҳаммаднинг
сафдоши, унинг қизи Фотиманинг зри.

114. Абдуллоҳ ибн Тоҳир (798—844), Тоҳир ибн Ҳу-
сайннинг ўғли, халифа Маъмун ва ундан кейинги ҳукмдор-
ларнинг саркардаси, шоир кейинчалик Хурсон амири.

115. Носир ибн Сайёр у-л-Лайсий (748 й.
ўлган) — Хурсондаги араблар томонидан тайинланган ҳо-
ким.

116. Муҳаллаб ибн Аюб Суфр у-л-Аздий
(634—702) — араб шоири.

117. Маъмун, Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Тоҳир, Нуъмон
Мунзир, Носир ибн Сайёр, Муҳаллат ибн Абу Суфларнинг
сўзлари арабчада берилган.

118. От зотларининг номлари: алус — 107-изоҳга қа-
ранг; чарма — оқ отлардан бирининг номи; сурҳ — қизил;
тозий — чопқир; ҳинг — оқ тулпорнинг бир зоти; бод —
шамол; магас — пашша; саба — кўк; песа — ола; кумайт —
қизғиши ёлли ва қора думли тулпор; Шебдаз — 109-изоҳга
қаранг; Хуршид — қуёш: гўр — қулон. Рахш — баҳодир
Рустамнинг жанговар тулпори, зард — сариқ; сиёҳ — қора;
Хурмогун — хурмо ранг; чашмийни — оқ тулпорнинг бир
зоти; Шулок — тулпорнинг бир зоти; абргун — булат ранг;
хокранг — тупроқ ранг; дийзо — бошидан то қуйругигача
қора чизиқли кулранг от; майгун — майранг. Баҳоргув —
баҳорранг, обгув сувга ўхшаш. Нилгун — яшил; абркас —
қора булатга ўхшаш. Сапед — зарда — оқ-сариқ. Бурсар —
кулрангга мойил от; Бинафшагун — бинафшаранг; зоғчашм —
қарға кўзли. Сабзпўст — қўқимтири терили; симгун — ку-
мушранг; аблақ — чавкар; сапед — оқ; саманд — саман.

119. Ҳайвонлар терисининг ранги ҳақида Аристотель
ўзининг «Ҳайвонларнинг пайдо бўлиши» деган китобининг
У бобида айтиб ўтган.

120. Али — Али ибн Абу Толиб.

121. «Наврӯзнома» салжӯқийлар сулоласининг ҳукм-
ровлиги даврида ёзилган.

122. Моҳонмоҳ Вушмагир — Зиёрийлар сулола-
сидан, Табаристон сultonи. Унинг китоби гилов тили-
да — Табаристоннинг ерли аҳолисининг тилида ёзилган
эди.

123. Клавдий Галев (130—200-йиллар) — Хайёмда
Жолинус дейилган — римлик шифокор ва файласуф. Ўрга
аср Шарқида Жолинус асарларининг араб тилига таржима-

лари «Ситта асар» (үн олти рисола), «Ат-ташриқ ул-кабир» (Катта анатомия) ва «Китобу ороғи Буқрот ва Афлотун» («Гиппократ ва Платон фикрлари ҳақида китоб») номларида кенг тарқалган эди.

124. Сүқрот (милоддан аввалги 470—400 йиллар)— қадимий юнон файласуфи Платон (Афлотун)нинг утсози. Сүқротга оид дейилган тиббиёт ҳақидағи маълумотлар Гален (Жолинус)нинг Гиппократ ва Платон фикрлари түғрисидаги китобида келтирилган бўлса керак.

Гиппократ — Хайёмда Буқрот — қадимий юнон шифокори. Ўрта аср Шарқида Буқротниң кўп асарларининг араб тилига таржимаси кенг тарқалган эди.

125. Абу Али ибн Синонинг шоҳ тиббий асари «Ал-қонун фи-т-тиб» («Тиббиёт қонуни») ўрта асрларда Шарқ ва Европада тиббиёт бўйича асосий қўлланма бўлган. Ибн Сино майни тиббиётга бағишланган рисолаларида эслатишидан ташқари, ўзининг шеъларида ҳам васф этган.

126. Мұхаммад Закариё — Абу Бакр ибн Закариё Розий (855—930) — әронлик шифокор, Райдада яшаган, ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинган амалий тиббиёт бўйича асарлар мажмуаси «Ал-китоб ул-хөсий» («Кенг қамравли китоб») ҳамда тиббиёт, фалсафа ва мусиқага оид асарларнинг муаллифи.

127. Қавс ичидаги сўзлар Берлин қўллэзмасида йўқ, шунинг учун Лондон қўллэзмасидан олиб қўшилган. Бахтишув — эрондаги христиан шифокорларининг машҳур сулласи (Ишу-исо, Бахтишув «Исонинг бахти»). Бу оиласининг аъзолари машҳур олимлардан эдилар. Хайём халифалар Ҳорун-ар-Рашид ва Маъмунларнинг шифокор-табиблари Жаброилнинг бобоси — Жиржис ибн Бахтишув (771 й. ўлгай) иш низарда тутган бўлса керак. У ҳам машҳур олим бўлган. Жундишопур олими 776—770 йилларда Богдодда ишлаган.

Собит ибн Курро — Абу-л Хасан Собит ибн Курро ал-Харрони ас-Сабий (836—901), — Харрон (Сурия)лик, сабийларга мансуб, фалсафа, математика ва механикага оид асарлари бор.

128. Қуръондан бу оят араб тилида келтирилган (Қуръон, II, 219).

129. «Оқ хўрда» — серқатиқ хўрда.

130. Қавс ичидаги «суюқ, лойқа мусаллас»нинг зарари ҳақидағи сўзлар Берлин қўллэзмасида йўқ, Лондон қўллэзмасидан олиб қўшилди.

131. Бу сарлавҳа Берлин қўллэзмасида йўқ, Лондон қўллэзмасидан олиб тўлдирилди.

132. «Тоза мусаллас» ҳақидағи бу парча Берлин қўллэзмасида йўқ, Лондон қўллэзмасидан олиб тўлдирилди.

133. Мавиз (майиз) — йирик донли қора узум.

134. Хайёмнинг май ҳақидағи сўзлари унинг майни мақтаган кўп рубоийларига оҳангдош.

Хайёмнинг ижодини ўрганувчи баъзи тадқиқотчилар унинг май ҳақидағи рубоийларини хурофий маънода талқин қилишга ва Хайём мастиликни майдан маст бўлиш эмас, балки диний жазава деб тушунтиришга интиладилар. «Нав-

рўзнома»даги май ҳақидаги фикрлар Хайём — шеърларининг бундай талқинини бугунлай инкор этади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, Хайём томонидан майнинг тараниум этилиши май ичишни таъкидловчи исломга кескин қарши бўлган норозилик руҳини англанатади. ай тараниумининг исломга қарши бу хусусияти зардўштийларнинг байрамига бағишлиланган, исломгача бўлган даврларнинг хотиралари билан бой бутун «Наврўзнома»нинг исломга қарши характеристери билан ҳамоҳангидир*.

135. Майнинг подшоҳ Шамирон томонидан кафш этилиши тўғрисидаги афсона Ассирия маликаси Семирамида (Шаммурамат) ҳақидаги афсонанинг ҳалқ томонидан қайта ишлангани бўлса керак. Шаммурамат Ниневияга асос солган Ниннинг хотинидир, у янги әрадан олдинги IX асрда яшаган. Ал-Беруний уни Ашмирам деб атайди. Шарқ ҳалқларида Семирамида ва унинг осма боғлари ҳамда ҳашаматли саройлари ҳақида кўпгина афсонлар пайдо бўлган. Арман афсоналарида Семирамида «ширин эҳтиросли ва енгил хулиқли Шамирам» деб аталади. Семирамида ҳақидаги афсоналар Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони ҳаҳрамони гўзал Шириннинг мураббияси ва холоси малика Шамир тасвирида акс әтган, малика Шамир ҳақида Низомий ёзади:

Унинг әрт йўқ, аммо ҳурмати ва давлати бисёр,
Аёнки у кунларин ўтказар хуррам, баҳтиёр.

Балки Хайём «подшоҳ Шамирон» әмас, «малика Шамирон» ҳақида гапиргандир. Аммо, Хайём келтирган афсона тафсилотлари тарихий Семирамида ҳаёт тафсилотларидан узоқ бўлганидан биз шоҳ Шамирон сифатида таржима қилдик.

136. Хумо — афсонавий қуш, гўё сояси тушган одамга баҳт келтиради.

137. Руд — торли мусиқа асбоби.

138. Табиийлар (натуралистлар) — Хайём бу сўз билан ҳамма ҳодисаларни табиий йўл билан тушунтирувчи фалсафий мактабни белгилаш учун ишлатади. Дииншунос Нажмуддин Хайёмнинг ўзини шу мактабга мансуб дейди.

139. Руҳнинг кўчиб ўтиши ҳақидаги таълимотнинг тарафдорлари — таносуҳийлардан — сўфий Татавий бундай деб ёзади: «кўп риссалалардан маълумки, Умар руҳнинг кўчиб ўтиши ҳақидаги фикр тарафдори. Айтишларича, Нишопурда эски мадраса бор эди; уни тузатиш учун эшакларда ғишт ташир әдилар. Кунлардан бир кун ҳаким шогирдлари билан мадраса ҳовлисисдан ўтиб бораради; эшаклардан бири ҳеч ичкарига кира олмасди. Ҳаким буни кўриб эшакнинг олдига келди-да бадиҳатан ўқиди:

* Б. А. Розенфельд ва А. П. Юшкевичларнинг бу фикрлари бизнинг сўзбoshimizda таъкид ва танқид қилиб ўтилди. Бу ва сўз бошидаги фикрларни баҳолаш яна зукко китобхонлар ихтиёридадир (А. С.).

Номлар ичра сенинг номинг ўчгандир бироқ,*
Риҳлат әтдинг, яна қайтдинг гүёки халлум.**
Тирноқларинг йифилди-ю бўлдилар туёқ,
Нақ кетингдан соқол чиқиб, осилибди дум.

Эшак кирди. Ҳакимдан бунинг сабабини сўрадилар. Умар леди: «Бу эшакнинг танасига кирган руҳ олдин ушбу мадраса муаллимининг танасида бўлган, шунинг учун у ичкарига киролмади; энди, дўстлари уни таниғанларидан сўнг зарурат юзасидан ичкари кирди».

140. А б д у л л о ҳ Т о ҳ и р — Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг ёзи (114-изоқга қаранг).

141. Араб мақоли араб тилида берилган.

142. Маҳмуд Фазнавий — Ғазнавийлар сулоласига мансуб султон. 998—1030 йилларда подшоҳлик қилган. Маркази Ғазна (Афғонистон)да бўлган ғазнавийлар давлатига Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон кирган. Маҳмуднинг бўйруғи билан Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ёзилган әди. Маҳмуд саройида Ал-Беруний ва бошқа қатор олимлар ишлаганлар.

143. Ҳикояда өслатилган бола Маҳмуднинг әркаси Аёз бўлса керак.

144. Хайёмнинг гўзаллик ҳақидаги фикрлари унинг гўзалларни мадҳ қилган рубоийларига ҳамоҳангдир.

* Рус тилига Жуковский таржима қилган, шу таржи мадан ўзбекчага әркин ўғирдик.

** Ҳаллум — болаларнинг «борди-келди» ўйини. Ҳосирги тушунчада қизчаларнинг контокни ерга уриб сакратиши (А. С.)

Историко—публицистическое издание

На узбекском языке

ОМАР ХАЙЯМ

НАВРУЗ—НАМЕ

Перевод Урфана Атаджанова.

Ответственный редактор: проф. А. Рустамов

Редакторы издания: Асрор Самад,
Мансур Тенглазев

Издательство «Меҳнат» — Ташкент — 1990

Тарихий — публицистик нашр

УМАР ХАЙЁМ

НАВРУЗНОМА

Рассом О. Бакликова
Расмлар муҳаррири Х. Кутлуков.
Тех. муҳаррир Н. Сорокина
Мусаҳдех М. Тенглашев

ОИБ №965.

Босмахонага берилди 06. 01. 90. Босишига рухсат этилди 20. 02. 90.
Формати 84×100^{1/32}. Босмахона юғози № 1. школьной гарнитурада
юқори босма усулида босилди. Шартли босма тобоқ 3,90 Шартли
кр. оттиск 4.11 Нашр. тобон 4.02. Тиражи 60000. Зак. № 3243.
Ваҳоси 70 т. Буюртма.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 21—90.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети Тошкент «Матбуот» поли-
графия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси. Тошкент.
Ҳамза кӯчаси, 21,